



Уйғонган юрт садоси... Тошкент вилояти ҳақида гап кетганда, кўнглимиздан ана шу фикр ўтади. Бу бежиз эмас, албатта. Бугун вилоят шунчаки пойтахтга яқин ҳудуд эмас, балки амалга оширилаётган ислохотлар ва эришилаётган натижалар билан янги Ўзбекистоннинг жонли тимсолига айланмоқда.

2021 йил 18-19 март кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилоятига ташрифи нафақат расмий воқелик, балки бутун вилоят тақдири учун тарихий бурилиш нуқтаси бўлган эди. Давлатимиз раҳбари ташриф чоғида халқ ичига кириб, туман ва шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги “ўсиш нуқталари”ни амалий кузатув ва мулоқотлар йўли билан топишга бел боғлади. Юртбошимизнинг журналистлар билан суҳбатда айтган сўзлари яна ҳам кўпроқ маъно касб этади: **“Менинг энг катта мақсадим — ҳар бир тумanning “ўсиш нуқтаси”ни топиш... Тошкентда кабинетда ўтириб эмас, пастда юриб, бун амалга ошириш...”** Бу хизматхонасида тузилган режалардан ҳаёт гирдобига тушиб ишлаш, сукунатда қолган муаммоларни халқ овози орқали эшитиш, чин маънода, халқ ичида бўлиш сиёсатининг давомли кўринишлари эди.

Тан олиш керакки, Президентимиз мақсад қилган “ўсиш нуқталари” топилди. Кўп эмас, орадан тўрт йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бугун эса кечаги мақсадлар амалдаги улкан ўзгаришларга айлангани, “ўсиш нуқталари” энди фақат харитада эмас, балки вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий тузилмасида реал манзара касб этаётганини кўряпмиз.

УЙҒОНГАН ЮРТ САДОСИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА СУРАТ ВА СИЙРАТ ЯНГИЛАНИШЛАРИ



Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Ўзини топа олган ҳудуд

Ҳар бир ҳудуднинг, у ердаги юртдошларимизнинг минг йиллардан бўён ўзлигини намён қилиш шамойили мавжуд. Мамлакатимиз ҳудудлари нафақат табиий география жойлашуви, балки бу ерда яшаётган инсонларнинг маънавий қиёфаси нуктаи назаридан ҳам фарқ қилади. Баъзи ҳудудлар борки, уларнинг тараққиёти доим оқиб саҳнада кечади, ҳар бир ютуғи шовшувга сабаб бўлади. Аммо баъзи ҳудудлар борки, улар сабр билан яшайди, ички жасоратини сокинликда, юракда сақлайди. Тошкент вилояти ана шундай юртлардан: у узок йиллар давомида “пойтахтга яқинлик” де-

ган номда юрган, аммо ботинида тинимсиз кўзғалиш, ўзини намён этишга нисбатан кучли салоҳиятни яшириб келди.

Бугун эса бу диёр ислохотлар марказида. Аввалги йилларда ишлаб чиқариш сусти, хизматлар чекланган, аҳоли эҳтиёжи четда қолган бўлса, бугун барча соҳада янги нафас, янги ташаббуслар юзага чиқмоқда, амалиётга фаол татбиқ этилмоқда. Яширин имкониятлар юзидан “ҳарир пардалар” кўтарилди. Вилоятда кўплаб янги корхоналар ва лойиҳалар ишга тушаётгани одамларнинг тафаккури, дунёқараши, ҳаётга муносабати ҳам янгиланаётганидан далолат.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда одамлар ҳаётга бошқача қара-япти. Уларнинг кўзларида ишонч уй-

гонган. Эндиликда фуқаролар ўзини томошабин деб билмайди: у жараён иштирокчиси, ҳатто унга таъсир кўрсатувчи субъект. Маҳаллий Кенгашларда фаоллик ошди, жамоатчилик назорати амалда таъминланмоқда. Бу эса бутун бошқарув тизимини халққа яқинлаштирди, одамларнинг давлатга ишончи ва муносабатини ўзгартирди.

Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ишлар, қурилаётган иншоотлар, ишга тушаётган лойиҳалар ортида рақамларнинггина эмас, балки инсон тақдири ўзгариётгани, меҳнати қадри ошаётгани, ҳаёти фаровонлашаётганини кўриш мумкин.

Вилоят бугунги кунда “ўзини топа олган ҳудуд”га айланди. Ҳудуднинг қулай география жойлашуви, кенг турдаги қазилма бойликлари, салоҳиятли инсон ресурсида унумли фойдаланилмоқда.



30,5 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК САРМОЯ ВА САВДО БИТИМЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

IV Тошкент халқаро инвестиция форуми кўтаринки руҳда, ўта самарали ва муваффақиятли ўтди. Унинг доирасида умумий қиймати 30,5 млрд. АҚШ долларлиқ инвестиция ва савдо битимлари имзолангани бунинг ёрқин далилидир.

Брифинг

Форум якунлари бўйича ташкил этилган брифингда таъкидланганидек, мазкур кўрсаткич форумнинг тўрт йиллик фаолиятидаги энг юқори натижа ҳисобланади.

Тадбирга жорий йилда жаҳоннинг 100 га яқин мамлакатларидан 3 минг-га яқин хорижий меҳмонлар, умумий ҳисобда 7,5 мингдан ортиқ делегатлар ташриф буюрди. Табиийки, бу инвесторларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига бўлган қизиқиши тобора ортиб, янги Ўзбекистонни муносиб сармоявий ҳамкор сифатида танлаётганидан далолат беради.

Чиндан ҳам, юртимиз ўзининг қулай ишбилармонлик муҳити туфайли минтақанинг энг жозибали инвестициявий манзилларидан бирига айланмоқда. Ўз бизнесини Ўзбекистон билан боғламоқчи бўлган таниқли компаниялар, йирик инвесторлар, молиявий ҳамкорлар сафи йил сайин кенгайиб бораётгани, бунда Тошкент халқаро инвестиция форуми муҳим мулоқот майдонида айланди. Мазкур анжуман Марказий Осиёдаги энг йирик инвестиция платформаси сифатида эътироф этилаётганининг боиси ҳам ана шунда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев икки йирик тадбир — форумнинг ялпи мажлиси ҳамда Хорижий инвесторлар кенгашининг учинчи сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлагани унинг нуфузини янада оширди. Бунга Тошкент шаҳрида жам бўлган жаҳоннинг йирик молия институтлари, давлат идоралари, халқаро инвесторлар ва бизнес вакиллари алоҳида мамнуният билан таъкидламоқда.

Бу йилги форум янада кенг қўлам ва янгича шаклда ўтказилди. Хусусан, 40 га яқин шуъба йиғилишларида 150 дан ортиқ таниқли спикерлар иштирокида жаҳон иқтисодиётидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Илк бор Ўзбекистон компанияларининг лойиҳалари ва қўшма ташаббуслари намойиш этилаётган иختисослаштирилган миллий кўргазма ташкил қилинган форумнинг энг муҳим воқеаси бўлди дейиш мумкин. 12 минг квадрат метр майдонни эгаллаган кўргазмада электротехника, фармацевтика, тўқимачилик, чарм саноати, қурилиш материаллари, машинасозлик, тоғ-кон саноати ва металлургия, энергетика, автомобилсозлик, кимё, озик-овқат саноати, молиявий хизматлар, IT, туризм ва бошқа соҳаларда хорижий инвесторлар учун истиқболли лойиҳа таклифлар тақдим этилди.

Бу меҳмонларда катта қизиқиш уйғотганини ҳар кунги кўргазмага 2 мингдан зиёд одамлар ташриф буюргани, 500 дан кўп “B2B” ва “B2G” форматидagi учрашувлар ўтказилгани мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

Буларнинг бари IV Тошкент халқаро инвестиция форуми ишчан руҳда ўта қизгин ўтгани, истиқболли ҳамкорликка мустаҳкам пойдевор бўлди деб айтишга асос бўла олади.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Женева шахрида бўлиб ўтаётган Халқаро меҳнат конференциясининг 113-сессияси доирасида 12 июнь — Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши курашиш куни муносабати билан махсус конференция ташкил этилди.

Халқаро анжуман

Тадбирда Халқаро меҳнат конференциясида қатнашаётган 187 та давлат орасида қисқа вақт мобайнида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга бутунлай барҳам берган мамлакат сифатида Ўзбекистон тажрибаси намойиш қилинди.

Унда Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева “Болалар меҳнатига барҳам беришда Ўзбекистон тажрибаси” мавзuida маъруза қилди. У ўз сўзида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси ҳамда шахсий ташаббуси билан ушбу иллатга қарши қўрилаётган қатъий амалий чоралар ўзининг ижобий натижасини бераётганини таъкидлади.

Миллий комиссия раиси мамлакатимизнинг болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга нисбатан кескин позицияси ҳамда халқаро ҳужжатлар, шу жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ва 29-сонли Конвенцияга Баённома ратификация қилингани соҳага оид ислохотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлганини эътироф этди.

Янги таҳрирдаги Конституция ва Меҳ-

нат кодекси болалар меҳнатига тамоман чек қўйишга қаратилгани, ҳар бир фуқаронинг ижтимоий ҳимоясини қафолатлаш эса инсон қадрини юксалтиришга қаратилган давлат сиёсатининг марказидан жой олгани қайд этилди.

Конференция ишида Ўзбекистонда Халқаро меҳнат ташкилотининг тегишли конвенцияларини ратификация қилиш, миллий қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат учун жавобгарлик чораларини кучайтириш, институционал асосларни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юқори баҳоланди.

Шунингдек, тадбирда Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси, Халқаро иш берувчилар Конфедерацияси, ЮНИСЕФ ҳамда Филиппин, Марокаш, Чили, Германия, Бразилия ҳукумати вакиллари маъруза билан иштирок этди. Экспертлар бугунги кунда Ўзбекистон тажрибаси болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши кураш олиб бораётган давлатлар учун модель бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида эътироф этишди.

«ФАОЛ ИНВЕТОР — ФАОЛ ДАВЛАТ» МОДЕЛИ САРИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон халқаро майдонда очик, прагматик ва барқарор тараққиётга асосланган сиёсат юритиш орқали жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортмоқда. Бу жараёнда Тошкент халқаро инвестиция форуми муҳим ўрин тутди.

Муносабат

Тўртинчи бор ташкил этилган мазкур анжуман нафақат иқтисодий мулоқот майдони, балки Ўзбекистоннинг янги ташқи ва ички иқтисодий стратегик позицияларини теран аниқлаб берувчи саммитга айланди, десак, янгиланмаймиз.

Ўтган йили инвестиция ҳажми 35 млрд. долларга, экспортимиз 27 млрд. долларга етгани тўрт йилдан бўён ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро инвестиция форумининг амалий натижасидир.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар самараси халқаро рейтингларда ҳам ўзининг муносиб аксини топмоқда. “Иқтисодий эркинлик индекси”даги ўрнимиз сўнгги беш йилда 48 поғонага кўтарилди. Гарварднинг “Иқтисодий-ёт мураккаблиги индекси”да-

ги ўрнимиз 28 поғонага яшилди. Ўтган ойда нуфузли “S&P” агентлиги Ўзбекистоннинг суверен рейтингни прогностини “барқарор”дан “ижобий”га оширди.

Ушбу форумнинг марказий гояси сифатида инвестиция фақат иқтисодий манба эмас, балки тинчлик, инсон қадри, барқарор ривожланиш ва адолатли ҳаёт қуришнинг асоси экани алоҳида таъкидланди.

Мазкур йўлда Ўзбекистон 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотни 200 млрд. долларга етказиш борасида улкан мақсадларни қўлаган. Бу нафақат иқтисодий рақамлар, балки Ўзбекистонни янги тараққиёт босқичига олиб чиқаётган дастурдир. Иқтисодиётни модернизация қилиш, экспортни кенгайтириш ва халқаро рейтингларда юқори натижалар қайд этилиши сўнгги тўрт йилда

ўтказилган форумлар таъсирини кўрсатиб турибди.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тўдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун қатъий қадамлар ташланди. Иқтисодиётни эркинлаштириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлар учун имкониятларни ҳар томонлама кенгайтиришга қаратилган амалий ишлар натижасида бугун юртимизга келган ҳар бир сармоядор ўзини эркин ва ишончли ҳис қилиб, бизнесини ривожлантиришмоқда.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган тўртта стратегик йўналиш — янги Ўзбекистон иқтисодиётини шакллантирувчи устунолар. “Яшил” энергетика соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар, соҳага жалб қилинган миллиардлаб инвестициялар ва келгуси беш йилда “яшил” энергия улушини 54 фоизга етказиш режаси Ўзбекистоннинг глобал иқлим муаммоларига жиддий муносабатини кўрсатади.

ЯНГИ ТАШАББУСЛАРГА ОЧИҚЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ИНТИЛИШ

Пойтахтимизда Ўзбекистоннинг глобал сармоявий мулоқотнинг муҳим иштирокчиси сифатидаги мақомини мустаҳкамлаган кенг қўламли тадбир — IV Тошкент халқаро инвестиция форуми ўз ишини якунлади. Тадбирда 100 га яқин мамлакатлардан давлат ва ҳукумат ҳамда йирик транснационал компаниялар раҳбарлари, инвесторлар, нуфузли халқаро молия институтлари ва бизнес вакиллари иштирок этди.

Дунё нигоҳи

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев форумнинг ялпи мажлисида сўзлаган нутқида “Келинг, биргаликда шундай инвестиция муҳитини яратайликки, у даромад келтириш билан бирга инсон қадрини улуғлайдиган, унинг ҳаётини манфатларини таъминлайдиган ва жамият раванакига хизмат қиладиган мустаҳкам пойдеворга айлансин”, дея таъкидлади.

Форум дастуридан глобал ва минтақавий иқтисодиёт, сармоявий ҳамкорлик, барқарор ривожланиш, ра-

лаш ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ислохотлар тақдим этилди.

Иштирокчилар халқаро экспертлар ҳам ҳамкорлик ўрнатиш, ўзаро таъриба алмашиш ва стратегик ташаббусларни муҳокама қилиш учун самарали майдон сифатида Тошкент халқаро инвестиция форумининг аҳамияти ортиб бораётганини таъкидлашди.

Одиль Рено-БАССО, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти:

— Ислохотлар ва иқтисодиётни либераллаштириш нуктаи назаридан Ўзбекистон хусусий сармоя киритиш имкониятларини кенгайтиришни давом эттириши керак. Хусусийлаштириш ва меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш борасида сезиларли ютуқларга эришилган бўлса-да, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий сектор ўсишини рағбатланти-



риш учун ҳали кўп ишлар қилиниши лозим.

Хозиргача эришилган натижалар жуда қувонарли. Масалан, қайта тикланадиган энергетикага катта миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди, иқтисодий фаоллик рағбатлантирилди.

Сўнгги йилларда инвестициялар даражаси барқарор ўсиб бормоқда, Ўзбекистон ЕТББ инвестициялари ҳажми бўйича етакчи 5 давлат қаторига кирди. Ушбу ижобий тенденция келгуси йилларда ҳам давом этишини кутамиз.

Учрашув

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг айна ҳолати ҳамда истиқболлари, шунингдек, амал-

га оширилаётган қатор муҳим ташаббуслар ва лойиҳалар муҳокама қилинди.

Жумладан, ҳар йили аτροφ-мухит, меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа йўналишларда ХМТ билан имзоланаётган келишувлар изчил

«Халқ сўзи».

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА БАРЧА МАСЪУЛ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ижросини назорат қилишда депутатларнинг ўрни” мавзусига бағишланган семинар ўтказди.

Семинар

Бундан кўзланган мақсад маҳаллий Кенгашлар депутатларининг соҳа бўйича қўнунчиликдаги янгиликлар ва ўзгаришлар юзасидан назарий билимлари, амалий кўникмаларини ошириш ҳамда мазкур қўнуннинг ҳудудларда самарали ижро этилиши устидан депутатлик назоратини олиб боришдир.

Семинарда Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили, масъул ташкилотлар мутасаддиларининг мавзуга доир маърузалари ҳамда сенаторлар, экспертлар, Ёшлар парламенти аъзоларининг фикр-мулоҳазалари эшитилди.

Таъкидланганидек, ҳудудларда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қўнуний манфаатларини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокими-

яти органларининг бу борадаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

2024 йил ноябрида қабул қилинган ва шу йилнинг 15 май куни кучга кирган “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қўнуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларни ҳурмат қилишнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларига мурасисиз муносабатда бўлиш ва зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилаётгани қайд этилди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги Қонунга кўра эса Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги вакилларини тайинлаш белгиланган. Шу

Тадбир

АҲОЛИНИНГ ЗАИФ ҚАТЛАМЛАРИ ИМКОНиятлари КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Кеча Тошкент шаҳрида Европа комиссияси томонидан молиялаштирилаётган ҳамда Minority Rights Group Europe (MRGE), Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази ва Олий Мажлис Сенати билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Самарали ва барқарор фуқаролик жамиятини барпо этиш орқали аҳолининг заиф қатламлари ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш” лойиҳаси доирасида якуний конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова, халқаро ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда экспертлар ҳамжамияти вакиллари иштирок этди.

Тадбир давомида Ўзбекистонда аҳоли заиф гуруҳларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва тавсиялар муҳокама қилинди.

Анжуман доирасида аҳоли заиф гуруҳларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенглик, шахсининг бир неча идентификацияси кесишуви ҳамда миллий маданий марказларнинг миллатлараро тотувлигини мустаҳкамлашдаги ролига оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир якунида сессияларда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

«Халқ сўзи».



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида қатор муҳим вазифалар кўриб чиқилди.

Сенат қўмитасида

Унда қўмита аъзолари, маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари раислари, экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Мажлисида “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгариштирилган киритиш тўғрисида”ги қўнун дастлабки тарзда кўриб чиқилиб, аҳолининг ижтимоий ҳимюга муҳтож қатламларини самарали қўллаб-қувватлаш, ижтимоий қизматларни аниқ ва мақсадли йўналтириш, Давлат бюджетни маблағларини оқилона тақсимлаш ҳамда жамоат ташкилотлари ва ҳомийларнинг фаол иштирокини таъминлашга оид масалаларга ургу берилди.

Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини чуқур баҳолаш ор-

қали давлат ёрдамининг манзилли ва самарали етказилишини таъминлашга қаратилган.

Қўнун қўнунинг иккинчи масала — интеллектуал мулк соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тақомиллаштиришга бағишланган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қўнун бўлди. Унда интеллектуал мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш жараёнларини соддалаштириш, экспортга муҳтож объектларини қисқартириш, патентлаш билан боғлиқ ортқича бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш назарда тутилган.

Ушбу қўнуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда инновацион фаолиятни рағбатлантириш, иқтисодий ривожланишга ҳисса қўиш ҳамда интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Мажлисида кўрилган масалалар, ҳамда муҳокама қилинган қўнунлар юзасидан сенаторлар ва экспертлар таклиф ҳамда мулоҳазаларини билдирди.

«Халқ сўзи».

Қўмиталар ҳафта ичида

МИЛЛИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитасининг кенгайтирилган ййгилиши бўлиб ўтди.

Унда Мактабча ва мактаб таълими вазирлигининг “БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича соҳада тизимли ишларни ташкил этиш ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг бажарилиши борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”ги ахбороти эшитилди.

Вазирлик ахборотига кўра мактабгача ва мактаб таълими тизимида 38 мингдан ортқ боча ва 10 146 та мактаб фаолият юритмоқда. Сунгги 7 йилда мактабгача ва мактаб таълими учун маблағ етти қарра оширилди. Натижада мактабларда 1 миллионга яқин, бочаларда 1,5 миллион янги ўринлар яратилди. 1 500 та мактабда эса Президент ва ихтисослаштирилган мактаблар таълим дастури жорий



қилинди. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб, қўшимча 1 500 та янги баҳолаш тизими татбиқ этилиб, уларнинг сони 3 мингтага етказилади.

Шунингдек, тармоқлар талаби асосида 289 та мактабда 10-синф ўқувчиларига 60 турдаги касбларни ўргатиш йўлга қўйилган. 2024 йилда 132 номдаги замонавий дарсликлар яратилган бўлса, 5 — 7-синфлар учун хорижий наشريётларнинг табиий ва математика фанларидан дарсликлари маҳаллилаштирилди. 2025 йилнинг ўтган даврида хорижий тажрибани маҳаллилаш-

тириш асосида 15 номда дарслик ва ўқув методик мажмуа яратилди.

Таълим соҳасидаги кенг қамровли ишлар натижасида нодавлат умумтаълим мактаблари сони ўтган йилдагига нисбатан 72 тага ошиб, 573 тадан 645 тага етказилган. 2025 йилда эса уларнинг сони 700 тага етказилади. Қолаверса, жорий йилги ижтимоий ишлаб чиқариш дастурига асосан 379 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Ахборотда келтирилганидек, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини 77,

6 ёшли болаларни мактабга тайёрлов тизими билан қамров даражаси эса 96 фоизга етказилган. Халқаро тажрибалар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда ягона меъёларни белгилловчи “Илк қадам” давлат дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастур асосида 6 ёшли тайёрлов гуруҳларига мўлжалланган вариатив ўқув дастури яратилиб бoғчаларга етказиб берилган.

Барча давлат ва 14 мингта оилавий бoғчалар бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий ўқув-методик қўлланмалар ва дидактик материаллар билан таъминланган. 2025 йил якунига қадар қамров 78 фоизга, 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлов тизими билан қамров даражаси 98 фоизга етказилади.

Мутасаддиларнинг айтишича, жорий йил январь ойидан тажриба-синов тариқасида 208 та мактабгача таълим ташкилотларида инклюзив таълим жорий қилинган. Улардаги 252 та инклюзив гуруҳга 612 нафар ногиронлиги бўлган мактабгача ёшдаги болалар жалб этилган.

Узоқ муддатли даволианида бўлган болаларга узлуксиз таъ-

лим-тарбия бериш мақсадида “Замин” халқаро жамоат фонди кўмагида “Меҳрли мактаб” давлат таълим муассасаси ташкил этилган. 2023-2024 йилларда 7 та ҳудудда унинг филиаллари очилган бўлса, 2025 йилда Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида “Меҳрли мактаб”нинг филиаллари йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, ўқувчиларга зарур билим ва кўникама бериш мақсадида қатор миллий ҳамда халқаро лойиҳалар, дастурлар амалга оширилмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни эътироф этиб, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифалар ижроси бўйича назарда тутилган харажатларни ўз вақтида молиялаштириш, мазкур йўналишда белгилаб олинган “Йўл харитаси”нинг ижросини тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берди.

Ййгилиш якунида кун тартибидagi масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

Замонавий электр станцияси бунёд этилмоқда

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 4-иссиқлик маркази ҳудудида янги, замонавий газ-поршенли электр станцияси бунёд этилмоқда.



Хитойнинг йирик компаниялари билан ҳамкорликда қад ростлаётган мазкур иншоотда барча зарур қурилмалар етказилган бўлиб, 52 нафар маҳаллий, 30 нафар хорижий мутахассисдан иборат ишчи-гуруҳлар монтаж ишлари олиб бораётир.

Аҳамиятлиси, қурилма ишга тушгач йилига 876 млн. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, замонавий қурилмалар ҳисобига 245 млн. кубометр табиий газ тежалишига эришилади.

Ушбу қурилма орқали мамлакатимиз энерготизимига жорий йилдан бошлаб электр ва иссиқлик энергиясини узатиш режалаштирилган.

«Made in Uzbekistan»

миллий маҳсулотлар кўргазмаси



10 — 12 июнь кунлари Боку шаҳрида Туркий давлатлар ўртасидаги савдо ва сармоявий ҳамкорлик форуми доирасида “Made in Uzbekistan” миллий маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

“Made in Uzbekistan” стендида фармацевтика соҳасига ихтисослаштирилган “Vida Verde Pharm”, “Uzgermed pharm”, “Samo”, “Dentafill plyus”, “Nobel Pharmsanoat” корхоналари ўз маҳсулотлари ҳамда ишланмаларини тақдим этди. Юқори сифатли дори воситалари ва замонавий ишланмалар кўргазма иштирокчилари ҳамда халқаро ҳамкорлар диққатини тортиди.

Ушбу нуфузли тадбир туркий давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

«Энг фаол ёш ишчи-касб

эгаси» танлови

ғолиблари аниқланди



Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги арафасида Тошкент архитектура-қурилиш университетида махсус танлов ташкил этилди. Яъни тармоқ корхона ва ташкилотларида фаолият юритаётган ҳамда мазкур йўналишда таълим олаётган ёшлар ўртасидаги ушбу танлов “Энг фаол ёш ишчи-касб эгаси” деб номланди.

Беллашувлар “Фиш териш — умумқурилиш ишлари устаси” ва “Қуруқ қурилиш ва пардозлаш ишлари устаси” йўналишлари бўйича назарий ҳамда амалий босқичларда ўтказилди. Республика босқичида мамлакатнинг 14 та ҳудудидан 28 нафар ёш мутахассис қатнашиб, уларнинг билим ва маҳорати ҳақамлар томонидан ҳаққоний баҳолаб борилди.

Ғолиблар Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалар билан тақдирланди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистонда сўнгги икки йилда чет эл капитали иштирокида 5,5 мингта янги корхона ташкил этилди.

ИҚТИСОДИЙ СТРАТЕГИЯЛАР ВА ГЛОБАЛ ҲАМКОРЛИК

Жорий йилнинг 10 — 12 июнь кунлари пойтахтимизда IV Тошкент халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтди. Анжуманнинг биринчи куннда халқаро конгресс марказида инвестиция форумининг ялпи мажлиси ташкил этилди. Бу йилги форумнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг доирасида илк бор инвестиция кўргазмаси ўюштирилди. Унда йирик маҳаллий хусусий компаниялар халқаро инвесторларга ўз имкониятларини намойиш қилишди.



Нуфузли тadbирда нутқ сўзлаган давлатимиз раҳбари бугунги кунда геосийосий жараёнлар шиддат билан ўзгариб, глобал хавфсизлик ва барқарор тараққиётга таҳдидлар кучайиб бораётганини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбари минтақавий можаролар ва муаммоларни фақат дипломатик воситалар билан, халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда таъмоийллари асосида, БМТ резолюцияларига мувофиқ ҳал этиш му-

ҳимлиги юзасидан фикрларини билдириб ўтди. Шавкат Мирзиёев Тошкент инвестиция форумида “яшил” энергия, рақамлаштириш, молия тизими- ни ислоҳ қилиш, минерал ресурсларни қайта ишлашни ўз ичига олган барқарор ривожланиш стратегиясини тақдим этди. Марказий Осиёда “Ягона инвестиция макони”- ни яратишга қавқирди. Шунингдек, ўзаро ишонч ва манфаатдорликка

асосланган барқарор ривожланиш йўлида ўзаро ҳамкорлиқни кучайтириш зарур бўлган тўртта асосий йўналишни белгилаб берди. Биринчи йўналиш “яшил” иқтисодиёт моделига ўтиш масаласига қаратилди. Хусусан, “яшил” иқтисодиётнинг асосий мақсади табиатга зарар етказмасдан иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборат. Президент шу орқали саноат, қишлоқ хўжалиги, энергетика каби соҳаларда экологик тоза технологияларни жорий этишни рағбатлантиришни назарда тутди ва барқарор энергия ресурслари билан таъминлаш учун айнан “яшил” энергетикани ривожлантиришга катта эътибор бериллаётганини таъкидлади. Бу йул Ўзбекистон учун нафақат афрощ-муҳитни муҳофазалаш, балки энергия мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётда энергия самарадорлигини ошириш ва халқаро талаблар билан ҳамоханг тараққиётга эришишнинг муҳим қалитидир. Иккинчи йўналиш рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни иқтисодиётнинг янги драйверига айлантиришдир. Бугунги кунда рақамли ечимлар, сунъий интеллект каби илғор технологиялар бутун дунё бўйлаб иқтисодий ўсишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Ўзбекистон ҳам бу жараёндан четда қолмаслиги, балки фаол иштирокчиға айланиши керак. Президент Шавкат Мирзиёев айнан мазкур масалага катта урғу бериб ўтди ва давлат бошқаруви, молия, саноат,

қишлоқ хўжалиги, таълим ва соғлиқни сақлаш каби асосий соҳаларга рақамли технологияларни жорий этиш, сунъий интеллект асосидаги инновацион лойиҳаларни кенгайтиришни долзарб вазифа сифатида илгари сурди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида барқарор ривожланишни таъминлаш йўлидаги учинчи муҳим йўналиш сифатида молиявий тизим ва технологияларни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Сабаби замонавий ва самарали молиявий инфратузилмасиз ҳеч бир иқтисодий ислоҳот тўлиқ натижа бера олмайди. Шу боис молиявий тизимни очик, шаффоф ва рақамлаштирилган асосда янгиллаш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир. Хусусан, банк тизимида рақамли технологияларни кенг жорий этиш, халқаро молиявий стандартларга мослаштириш, сармоядорлар ва тadbirkorлар учун молиявий хизматлардан фойдаланишни соддалаштириш зарур вазифалардан саналади. Бу орқали инвестиция муҳитини яхшилаш ва хусусий сектор фаоллигини ошириш мумкин. Шу муносабат билан Президентимиз “Муқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқилишини маълум қилди ва қелгуси беш йилда қорхоналар ва бошқа муқобил инвестициялар ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш кўзда тутилганини таъкидлаб ўтди. Замонавий дунёда кечаётган

“тўртинчи саноат инқилоби” шароитида технологик минералларга талаб бир неча баробар кўпайиб, технологик тўлқин “технологик минераллар”, яъни юқори технологияли ускуналар, аккумуляторлар, электр транспорт воситалари ва “яшил” энергетика учун зарур бўлган хом ашёларға бўлган талабни бир неча қарраға оширмоқда. Ўзбекистонда вольфрам, молибден, магний, литий, графит, ванадий, титан ва бошқа минералларнинг катта захиралари аниқлангани, ер ости бойликларимизнинг умумий салоҳияти 3 триллион долларға баҳоланаётгани хусусида ҳам фикр билдирилди. Мамлакатимизда ўтказилган Тошкент халқаро инвестиция форуми Ўзбекистоннинг очик, инновацион ва барқарор иқтисодиётни қуриш йўлидаги қатъий позициясини яна бир бор намоён этди. Анжуман доирасида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган асосий ташаббуслар халқаро ҳамкорлик учун аниқ йўналиш ва устуворликларни белгилаб берди. Форум минтақавий ҳамда глобал инвесторлар билан Ўзбекистон ўртасида очик мулоқот ва ишончли шериклик учун муҳим платформага айланди.

Одильон МАМАТКАРИМОВ, Олий Мажлис Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ЯНГИ ТАШАББУСЛАРГА ОЧИҚЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ИНТИЛИШ

Ўзбекистон минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш, иқтисодий интеграция ва алоқаларни мустаҳкамлашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу мамлакатни трансчеғаравий лойиҳалар, хусусан, барқарор ўсиш учун зарур бўлган инфратузилма ва сув хўжалигидаги лойиҳалар учун жозибадор қилади.

Идракас ДАДАСОВАС, “Penki Continental Group” халқаро корпорацияси бошқаруви раиси:

— Ўшбу форумда илк иштирокчим эмас, ва ҳар сафар бу тadbир қай даражада аниқ ва профессионал ташкил этилганиға амин бўлялман. У оддий форум эмас, балки пухта тайёргарлик асосида ўтказилаётган жиддий халқаро тadbирдир. Бутун дунёдан шунчалик банд ва таъсири шаксларни бир жойға жамлашнинг ўзи Ўзбекистондаги инвестиция муҳити ва унга бўлган юқори ишончини кўрсатади.

Давлат тузилмаларида рақамли маълумотларни қайта ишлаш бўйича ечимлар қандай суръатда жорий этиллаётганиға гувоҳ бўлялман. Бу эса давлат даражасида чукур стратегик иш олиб борилаётганини аңглатади. Президентнинг модернизация ва рақамлаштириш масалаларига алоҳи-



да эътибор қаратаётгани Ўзбекистон узок муддатли ва пухта ўйланган ривожланиш стратегиясини шакллантираётганидан далолат беради. Ўзбекистонда инфратузилмани мустаҳкамлашға қаратилган йирик лойиҳалар амалға оширилмоқда. Қонунчилик қандай ўзгарипти, буни ҳам кўрялман. Энг муҳими, ўзгаришлар бюрократик тўсиқларсиз, самарали ва динамик тарзда олиб борилмақда. Бизнес вакиллари учун бу жуда муҳим.

Йованка ПОРШЕ, “Global Neighbours” ташкилоти раиси ва асосчиси:



— Ўзбекистон чинакам бой маданий меросға эға. Айни чоғда мамлакат бизнес ривожи учун улкан салоҳиятни намоён қилмоқда. Бундай форумларнинг ўтказилиши жуда муҳим бўлиб, алоҳида эътиборға лойикдир. Мазкур шаклдаги тadbирлар одамларни бирлаштиради, янги алоқаларни қуриш имконини беради.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг халқаро инвестиция марказиға айланиши учун барча имкониятға эға. Бу айни вақтда жуда ҳам долзарб ҳисобланади. Гарчи минтақавий интеграция аста-секинлик билан юз берса-да, у бу жараёнда муҳим роль ўйнаши мумкин. Бу нафақат Ўзбекистонға, балки бутун минтақаға тегишли. Аммо айнан Ўзбекистон инвестициялар ва барқарор ривожланиш марказиға айланиши учун зарур салоҳият ва геоектисодий устуңликларға эға.

Инвестиция муҳити борасида шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистонда янги имкониятларға очилиқ, тараққиётға интилиш ва ҳамкорликка тайёрлик аниқ сезиялпти. Бу ҳолат мамлакатнинг халқаро инвестициялар учун жозибадор йўналиш сифатида келажагиға ишонч уйғотади.

Чжан ХЭ, Хитойнинг “CGTN” глобал телевизион тармоғининг ижрочи продюсери:

— IV Тошкент халқаро инвестиция форуми Ўзбекистондаги сармоявий муҳитни янада яхшилаш, мамлакат иқтисодиётига глобал сармоя оқимини жалб этишда муҳим босқич бўлади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда солиқ тизимини соддалаштириш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, ташқи савдо режимиғи либераллаштириш каби йўналишларда амалға оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар инвесторлар учун янада қулай шарт-шароит яратди. Бу жараён хорижий сармоядорлар ишончини барқарор давом эттириш ва мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омил бўлмақда.



Эмин ГАРИБИЛИ, Озарбайжон давлат иқтисодиёт университети доценти:



— IV Тошкент халқаро инвестиция форуми нафақат Марказий Осиё учун асосий иқтисодий платформа, балки Европа ва Осиё ўртасидаги интеграция жараёнларини чуқурлаштиришнинг муҳим воситасиға айланиб бормоқда. Форум Тошкентнинг инвестицияларни жалб қилишнинг минтақавий маркази маконини мустаҳкамлайди ва Янги Ўзбекистон стратегияси доирасидаги ислоҳотларни илгари суриш қатъиятини намоийш этади.

Анжуман доирасида ҳам икки томонлама, ҳам Туркий давлатлар ташкилоти доирасида фаол ҳамкорлик қилиб келаётган Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг ўзаро алоқалари алоҳида стратегик аҳамиятға эға. Озарбайжон транспорт, энергетика, рақамли иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўзини асосий ҳамкор сифатида кўрсатди. Унинг халқаро коридорларда, жумладан, Ўрта йўлакда иштирок этиши Бокун қиъталаро ҳамкорлиқнинг ривожланаётган архитектурасининг стратегик бўғиниға айлантиради.

Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг инфратузилма ҳамда “яшил” лойиҳаларини амалға оширишдаги биргалликдаги сайъ-ҳаракатлари, рақамли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва барқарор ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик технологияли модернизация ҳамда Европа ва Осиё бозорларига интеграциялашув учун янги уфқларни очмоқда. Бу жараёнлар ҳар икки давлатнинг ҳам сиёсий иродаси, ҳам сармоявий салоҳияти билан қўллаб-қувватланиб, уларнинг минтақада барқарор ўсиш омилли сифатидаги ролини кучайтирмоқда.

«Дунё» АА.

«ФАОЛ ИНВЕСТИОР — ФАОЛ ДАВЛАТ» МОДЕЛИ САРИ

Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектга оид ташаббуслар мамлакатни IT ва Fintech марказиға айлантириш сари босилаётган аниқ қадамлардир. 20 та “дата марказ” қурилиши, “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” дастури ва сунъий интеллектнинг миллий модели инновацион иқтисодиёт қурилишдаги муҳим натижалари, десак, муҳолага эмас. Бу соҳаларда халқаро рейтингларда юқори кўтарилиш ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда.

Шу билан бирға, молия соҳасидаги кенг қамровли ислоҳотлар, суғурта ва венчур капитал лойиҳаларини жорий этиш, муқобил инвестиция инструментларининг ривожланиши ҳам мамлакатда бизнес ва стартап муҳитининг ўзгаришини яққол кўрсатади. Ўтган йили иккита стартапнинг капитализацияси 1 млрд. доллардан ошди. Бу эса Ўзбекистонда инновацион иқтисодий муҳит шаклланаётганидан далолат беради.

Саноатни технологик минераллар асосида ривожлантириш, “Келажак металлари технопарки” лойиҳаси ва 3 трлн. долларлик табиий ресурслар захираси, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг янги саноат давриға кирганини аңглатади. Геологиядан тортиб, қайта ишлагача бўлган занжирни курган инвесторларға берилган имтиёзлар эса амалий чоралар тўпламидир.

Форумда инвестицион муҳитни янада яхшилаш, хорижий сармоядорлар учун миллий режим жорий этиш, “Ягона дарча” таъмоийли, давлат-хусусий шериклик механизмларини ривожлантириш каби ташаббуслар орқали 2030 йилғача Ўзбекистоннинг кредит рейтингини “инвестиция” даражаға олиб чиқилиши мақсад қилингани таъкидланди. Бу мақсад сўз билан эмас, аниқ ислоҳотлар ва қонунчилик базаси орқали амалға оширилаётгани ургуланди.

Давлат қорхоналарини хусусийлаштириш жараёнида “Миллий инвестиция жамғармаси”ни ташкил этиш ва унинг бошқарувига “Franklin Templeton” каби халқаро таниқли компанияни жалб этиш борасида билдирилган таклифлар ҳам мамлакатимиз-

даги хусусийлаштириш жараёнининг халқаро стандартларға асосланганини аңглатади.

Давлатимиз раҳбарининг пойтахтимизда “Янги Тошкент” мегаполисини қуриш ташаббуси ҳам стратегик ва геоектисодий ўйланган лойиҳадир. Бу шаҳар нафақат аҳолиға қулай инфратузилма, балки йирик молиявий ҳамда логистик марказ вазифасини ҳам бажаради. Ўз навбатида, инвестицияларни нафақат ишлаб чиқариш, балки шаҳарсозлик, туризм ва хизматлар соҳасиға ҳам жалб этиш имконини яратди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги интеграция жараёнида алоҳида эътибор қаратмоқда. Қўшни давлатлар билан товар айланмаси 3,5 баробар ошди, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши ва минтақавий лойиҳаларнинг амалий йўлга қўйилиши — бу форумнинг нафақат миллий, балки минтақавий микёсдаги аҳамиятини оширади. “Янги Ўзбекистон — инвестициялар учун катта имкониятлар мамлакат” деган таъмоийли амалий натижаларға айлантириш мақсадида зарур чоралар қўриллаётгани ҳам эътиборға молиқдир. Бу борада Жаҳон савдо ташкилотининг алоҳида ўрни бўлиб, қелгуси йилда ўшбу ташкилотнинг аъзосиға айланиш бўйича ҳамкорларимиз билан фаол иш олиб борилаётганини, мамлакатимизда хорижий сармоядорларға янада қулай муҳит яратиб беришда барча чоралар қўриллаётганини эътироф этмоқчимиз. Айниқса, сўнгги йилларда қўшилларимиз билан йўлга қўйилган очик ва дўстона сиёсат натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги ҳамкорлик муҳити шаклланди.

Сирасини айтганда, форум доирасида илк бор ўтказилган иктисошлаштирилган кўргазма, маҳаллий компаниялар иштирокидаги ташаббуслар ҳам мамлакатнинг “фаол инвестор — фаол давлат” модели сари қадам ташлаётганини исботлади.

Ақтам ҲАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзлидеП фракцияси раҳбари.

ТЕНГ РАҚОБАТ ШАРОИТИ ВА ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МАКОНИ

Мамлакатимизда амалға оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон дунёдаги энг истиқболли ва қулай инвестициявий маконлардан бириға айланмоқда. Бу жараён Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган тўртинчи халқаро инвестиция форумида яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Сўнгги саккиз йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти икки бараварға ошиб, 2024 йилда 35 млрд. долларлик инвестиция ва 27 млрд. долларлик экспортға эришди. Шу билан бирға, мамлакатнинг халқаро рейтинглари ўрни яхшиланди. Хусусан, “S&P” агентлиги Ўзбекистоннинг суверен рейтингни прогнозини “барқарор”дан “ижобий”ға кўтарди.

Халқаро инвестиция форумида давлатимиз раҳбари иштирок этиб, “Янги Ўзбекистон — инвестициялар учун катта имкониятлар мамлакат” деган таъмоийли амалий натижаларға айлантириш мақсадида барча чоралар қўрилишини таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, глобал иш-

лаб чиқариш занжирларида тенг рақобат шартларини яратиш учун халқаро қоидалар жуда муҳим. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни стратегик мақсад сифатида белгилаб олган. Мамлакатимиз ўшбу жараёнда миллий қонунчиликни халқаро мезонларға мувофиқлаштирмоқда.

Ўзбекистон иқтисодий очилиқни таъминлаш мақсадида учта муҳим масалаға алоҳида эътибор қаратишни мақсад қилган. Хусусан, хорижий сармоядорларға маҳаллий компаниялар билан тенг ҳуқуқлар беришчи “миллий режим”, давлат органлари билан муносабатларда “агона дарча” таъмоийли амалиётға жорий этилади. Шунингдек, инвес-

тиция муҳитини ортиқча бюрократиядан ҳимоя қилиш ва сармояларнинг ҳуқуқий қафолатларини мустаҳкамлаш 2030 йилғача мамлакатнинг кредит рейтингини “инвестиция” даражаға олиб чиқиш мақсадида амалға оширилади.

Президентимиз ўз нутқида хусусийлаштириш жараёнини давлат активларидан оқилона фойдаланиш ва бозор муносабатларини чуқурлаштириш воситаси сифатида кўрсатди. Шу мақсадда, 2 млрд. долларлик активларни бирлаштирган “Миллий инвестиция жамғармаси” тузилди ва уни бошқаришга дунёдаги нуфузли “Franklin Templeton” компанияси жалб этилади. Қелгуси йилда эса жамғарма халқаро “IPO” бозорига чиқарилиши режалаштирилган.

Яна бир гап. Логистика ва инфратузилма иқтисодиётини ривожлантиришда ҳал қилувчи стратегик таркибий қисмлардан бири ҳисобланади. Улар орқали товарлар, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг

самарали ҳаракати таъминланади. Бу эса иқтисодий фаоллиқни рағбатлантириб, иш ўринлари яратди ва умумий миллий маҳсулот ўсишиға туртки беради.

Шу нуктаи назардан, Самарқанд, Наманган, Бухоро ва Урганч халқаро аэропортлари давлат-хусусий шериклик асосида профессионал инвесторлар бошқарувига берилди. Урганч аэропорти бошқарувиға Жанубий Кореянинг машҳур “Инчон” компаниясининг жалб этилиши халқаро ишончнинг амалий ифодасидир. Қелгуси йилларда Нукус, Термиз, Фарғона ва Навоий аэропортлари ҳам тендер асосида хусусий инвесторларға тақдим этилиши режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Марказий Осиёда ўзаро ишонч, очилиқ ва прагматик ҳамкорлик муҳити шаклланишини таъкидлади. Охириги саккиз йилда қўшни давлатлар билан товар айланмаси 3,5 баробар ошиб, 13 млрд.

долларни ташкил этди. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш ва энергетика соҳасидаги йирик лойиҳалар минтақавий ҳамкорлиқни янги босқичға олиб чиқмоқда. Президентимиз халқаро ташкилотларға мурожаат қилиб, минтақавий лойиҳаларни қўллаб-қувватловчи молиявий механизмларни шакллантиришға чакирди.

Ўзбекистон инвестицияларни фақат иқтисодий ресурс сифатида эмас, балки технологик ривожланиш, билимлар алмашинуви, малакали кадрлар тайёрлиги ва халқаро интеграция воситаси сифатида қабул қилмоқда. Мамлакатда фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган инвесторларға барча қулай шароит яратилаётгани, шубҳасиз, Ўзбекистонни ҳақиқий ишбилармонлик марказиға айлантиради.

Дилмурод АРТИҚОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА СУРАТ ВА СИЙРАТ ЯНГИЛАНИШЛАРИ

Тараққиёт бу юртда баланд-парвоз гаплар билан эмас, натижа билан ўлчанмокда. Вилоят эндиликда фақатгина ишлаб чиқармайди, балки ўз брендига эга. Бу ерда одамлар фақат меҳнат қилмайди, балки яратади, ижод этади. Шу боис янги лойиҳалар келажак пойдеворида айланмокда. Бу заминда ҳар бир тажриба — бир мактаб, ҳар бир ютук — бир ўзгариш сифатида намоён бўлмокда.

Шу сабабдан ҳам Тошкент вилоятидаги ўзгаришлар ҳақида қал кетганда, тўғридан-тўғри заводлар ёки йўллар ҳақида эмас, инсон ҳақида, у қандай яшапти, қандай фикрляпти, қай йўналишда тараққий этаётгани ҳақида сўз юритилади. Бу юрт энди фақат моддий жиҳатдан эмас, маънавий жиҳатдан ҳам бой бўлиб бораётгани эътироф этилади. Энг катта бойлик эса — бу инсонларда эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссининг шаклланидиги.

Юксалиш моҳияти

Бугун юксалиш фақат иншоотлар сони ёки экспорт кўрсаткичи билан эмас, балки инсонлар юрғатидаги хотиржамлик, оила бағридаги ором ва келажакка қатъий ишонч билан баҳоланмокда. Чунки ҳақиқий тараққий рақамларда эмас, инсон тафаккуридаги ўзгаришда ўз аксини кўрсатади.

Тошкент вилоятидаги ўсиш ҳам айнан ана шундай ички янгиланишга асосланган: давлат ва жамият ўртасидаги ишонч кўприги мустаҳкамланиб, халқ овози давлат қарорларида акс этмокда. Бу юртда сукут ўрнини сўз, тасаввур ўрнини режа, умидсизлик ўрнини ҳаракат эгаллаётди. Дехон ерни фойда манбаи сифатида эмас, имконият сифатида баҳолайди; тадбиркор фақат бойиш учун эмас, жамиятни ривожлантириш учун ҳаракат қилади. Ёшлар эса фақат орзу билан эмас, аниқ мақсад ва режа билан яшамокда. Давлатимиз раҳбари бот-бот тақдирлардан “халқни рози қилиш” ибораси замирида ана шу хотиржам ҳаёт тарзи, халқ манфаати устунилиги ва унинг таъминланиши ётади, аслида.

Вилоятда тараққиёт инсон қалбида бошланганига ургу бердик. Зеро, унинг амалий ифодаси жамиятдаги ҳаракатда, лойиҳаларда, сармоя ва экспортда ўз аксини топаётгани ҳам рост. Чунки руҳдаги янгилашниш кўллаб-қувватловчи энг муҳим восита, бу — орзуларни рўёбга чиқариш учун яратилган шарт-шароит, ишончли инвестиция муҳити, фаол иқтисодий ҳаёт ва кенг имкониятлар майдонидир. Ана шу раббатларга эга инсон чинакам қудратли кучга айланади, яратади, яшатади.

Биргина Чирчик шаҳри мисолида 2016 — 2024 йиллар давомида амалга оширилган ишлар самараси фикримизни тасдиқлайди. Бу йиллар давомида аҳоли сони 15,6 фоизга ошган бўлса, саноат маҳсулотлари ҳажми 11,8 фоизга ўсди. Асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар 16,4 фоизга кўпайди, ташқи савдо айланмаси эса 5,2 баробар ортди. Энг муҳим кўрсаткичлардан бири — ўртача ойлик иш ҳақининг 277 фоизга ошганидир.

Бу рақамлар шунчаки муайян сонни ифодаламайди, балки одамлар ҳаётига чуқур кириб борган ислохотларнинг амалий натижасини кўрсатади, инсон қадрини юксалтиришга қаратилган кенг қамровли ўзгаришларни намоён қилади.

Тараққиёт катализатори

Тошкент вилоятидаги янгилашниш жараёналари инсон тақдирини билан уйғун ва ҳаётбахш. Зеро, туризмни ривожлантиришдан то бандликни таъминлашгача, бюджетни кенгайтиришдан то хорижий инвестицияларни кўпайтиришгача — барча ислохотлар халқ манфаатидаги хизмат қилмокда.

Биргина туризм соҳасини олайлик. Мазкур тармок вилоят тараққиётидаги муҳим “ўсиш нуқталари”дан бирига айланиб улғурди. У фақат дан олиш соҳаси эмас, балки инфратузилмани тубдан янгилайдиган, маҳаллий тадбиркорликни жонлантирадиган, юртнинг маданий салоҳиятини намоён этувчи омил сифатида тобора муҳим аҳамият касб этмокда.

2024 йилда Тошкент вилоятига 468 минг хорижий сайёҳ ва 7,7 млн. маҳаллий меҳмоннинг ташриф буюргани вилоятнинг табиий гўзалликлари, тарихий мероси ва инсонларнинг меҳмондўст руҳини эътироф этган юксак кўрсаткичдир. Мазкур рақамлар орқали нафақат туристлар оқими ошганини, балки ички бозордаги ҳаракат, тадбиркорликдаги фаоллик, янги иш ўринлари ва туризм воситасида иқтисодиётга қўшилиётган салмокчи хиссини кўраимиз. Янги ташкил этилган 28 та оилавий меҳмон уйи, 17 та турагентлиги ва 9 та туроператор инфратузилманинг техник ривожинингига эмас, балки халқнинг саёй-ҳаракатлари билан қурилаётган



Фоғуржон МУҲАМЕДОВ,
Чирчик давлат педагогика университети ректори,
халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

иқтисодий маданият, хизмат сифатида бўлган талабнинг ортинги ва вилоятнинг туризм салоҳиятини фаол амалга чиқаришга қаратилган қатъиятли қадамларни англатади. Паркент, Охангарон ва Бўстонлиқ туманларида ташкил этилган ўнлаб “туризм кишлоклари”нинг ҳам бунда муносиб улуши бор.

Айниқса, аънавий тус олган “Узум сайли” ва халқроқ виночилик фестивали ҳудудга сайёҳлар оқимини ошириш, узумчилик ва виночилик йўналишида тажриба алмашиш, экотуризм маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш ҳамда хорижий сармояларни юртимизга жалб қилишга қаратилгани билан янада аҳамиятли.

Дунё билан алоқалар кенгайиб, инфратузилма ривожлангани сари мамлакатимизнинг туризм салоҳияти ҳам ошмокда. Шундай ҳозирбадор масканлардан бири, шубҳасиз, Бўстонлиқ тумани. Чорвоқ сув омбори ва дарёлари, қорли тоғлари, хушманзара дарахтзорлари боис у ерда йилнинг барча фаслида мароқли хордик чиқариш мумкин. Давлатимиз раҳбари раҳнаомлигида сўнгги йилларда Бўстонлиқда кўпалаб янги маъмулар барпо этилди, Амирсой, “Белдирсой — Чимён — Нанаи” курорти каби лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, сўнгги беш йилда 2 триллион сумдан зиёд инвестиция киритилиб, 13 мингдан зиёд ўринга эга 59 та янги туризм иншооти ишга туширилди.

Бундай натижалар чет эллик сармоядорларни ҳам ўзига тортмокда, янада катта микёсдаги лойиҳаларга йўл очмокда. Жумладан, озарбайжонлик ишбилармон Эмин Агаларов қатор йирик хорижий компаниялар билан шерикликда Чорвоқ сув омбори бўйида “Sea Breeze Uzbekistan” халқроқ туризм маркази барпо этиш истагини билдирган. Лойиҳага кўра унда дам олиш, чўмилиш ва спорт масканлари, меҳмонхоналар, коттежлар, тураржойлар бўлади. Халқроқ брендларнинг дўконлари, ресторан ва хизмат шохобчалари очилади. Турли фестиваллар, концертлар ва бошқа маданий тадбирлар ўтказилади. Икки қирғоқ ўрта-сида кўприк қурилиб, келувчиларга қулайлик оширилади. Келажакда ўзига хос “туризм ҳаб”ига айланиб, унда йил давомида дам олиш ва яшаш мумкин бўлади.

Демак, туризм — вилоятда янги иш ўринлари, ишонч ва имкониятлар манбаи. Бу соҳа орқали вилоят нафақат иқтисодий, балки маданий-маърифий жиҳатдан ҳам ташқи дунёга очилмокда. Шу жиҳатдан, туризм Тошкент вилояти учун нафақат ҳозирги тараққий каталитори, балки истиқболни белгилаб берувчи таянч соҳалардан бирига айлангани, шубҳасиз.

Ишсиз кўпми, иш ўрними?

Бандлик соҳасида эришилган ютуқлар вилоят тараққиётининг энг ҳаётли ва халқчи кўрсаткичларидан биридир. Чунки иш ўрни билан боғлиқ ҳар бир рақам ортида инсонларнинг тақдирини, оилаларнинг фаровонлигини, фарзандлар келажакни билан боғлиқ иқтисодий қарорлар туради.

2024 йилда 293,6 минг нафар аҳолининг турли соҳаларда иш билан таъминлангани давлат ислохотлари жамият ҳаётининг реал қатламга чуқур кириб борганини тасдиқлайди. Айнан хизмат кўрсатиш соҳасида 184,4 минг, қишлоқ ҳўжалигида 97,3 минг, қурилишда 7,2 минг иш ўрни яратилгани бу меҳнатнинг қадри тикланаётганини, ҳар бир фуқаронинг фаоллиги иқтисодий ҳаракатга айланаётганини англатади. Ишонч билан айтиш мумкинми, ҳудудда ишсизлардан кўра иш ўрни кўпайган.

Бандликни таъминлаш давлат ва жамият ўртасидаги ишончли кўприқдир. Ана шу кўприк бугун Тошкент вилоятида янгича мазмун, аниқ йўналиш ва ҳаётбахш натижа билан мустаҳкамланмокда. Бу эса меҳнат орқали бунёд этилган ҳаёт, тадбир ва ташаббусга асосланган ором рамзидир.

Маҳаллий бюджет кўрсаткичларида-

ги 104 фоизлик бажариш, 2,7 трлн. сўмлик тушум ва “ташаббусли бюджет” жараёни орқали амалга оширилган 313 та голиб лойиҳа ҳам фуқароларнинг давлат бошқарувидаги фаол иштироки ифодасидир. Бу юртимизда халқ овозини эшитишгана эмас, балки у орқали ҳаракат қилиш маданияти шаклланаётганини англатади.

Илм ва саломатлик ҳаёт сифатини белгилайди

Жамиятнинг барқарор ривожини, фуқароларнинг маънавий камолоти ва ҳаёт сифати, аввало, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимининг қай даражада етуқлиги билан белгиланади. Тошкент вилоятида охириги йилларда айнан шу соҳаларга катта эътибор қаратилди. Бугун вилоятда замонавий таълим ва тиббий хизматлардан баҳраманд бўлиш фақат ҳўқуқ эмас, реал имконият. Бу ўзгаришлар аниқ стратегия, изчил сиёсат ва халқ манфаатида қаратилган ислохотлар самарасидир.

Таълим соҳасида, аввало, инсон омил, яъни ўқитувчи масаласига жиддий ёндашилди. Бир вақтлар педагог кадрларга энг юқори эътиёжи бор ҳудудлардан бири саналган Тошкент вилоятида Чирчик давлат педагогика университети орқали бу муаммога тизимли ечим топилди. Университет битирувчилари сони оширилди, уларнинг ишга жойлаштишга институционал кўмак кўрсатилди. Чунки яхши ўқувчи тайёрлаш учун аввал яхши ўқитувчи керак. Бу жараёнда таълим муассасаларининг моддий-техника базаси ҳам инкор этилмас даражада янгиланмокда. Мактаб ва боғчаларнинг инфратузилмаси замонавий ўқув анжомлари, технологиялар билан тўлдирилмокда, бу эса таълим сифатини табиий равишда оширмокда.

Таълим даргоҳларида ўқув дастурлари ва методикалар қайта қуриб чиқилиб, замон талабларига мослаштирилди. Чунки замонавий дунёда илм фақат қомусий билим эмас, у ўйлаш, англаш, тўғри қарор қабул қилиш қобилиятини

“Тошкент вилоятидаги ўзгаришлар ҳақида гап кетганда, тўғридан-тўғри заводлар ёки йўллар ҳақида эмас, инсон ҳақида, у қандай яшапти, қандай фикрляпти, қай йўналишда тараққий этаётгани ҳақида сўз юритилади. Бу юрт энди фақат моддий жиҳатдан эмас, маънавий жиҳатдан ҳам бой бўлиб бораётгани эътироф этилади. Энг катта бойлик эса — бу инсонларда эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссининг шаклланидиги.”

англатувчи тушунчадир. Вилоятда таълим мазмуни ана шу кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилмокда. Энг муҳим тараққий белгиларидан бири рақамли технологияларнинг таълим жараёнига фаол жорий этилаётганидир. Онлайн платформалар, интерактив дарслар, виртуал мухитлар бугун ёшларнинг дунё билан тенглашувида хизмат қилмокда.

Вилоятдаги таълим ва тарбия сифатининг замонавийлашувида, халқнинг таълимига бўлган муносабати тубдан яшиланишида Чирчик давлат педагогика университети ўзини нафақат кадрлар тайёрловчи марказ, балки илгор ғоялар, инновацион ечимлар тақдир қилувчи даргоҳ сифатида намоён қилмокда. Ушбу масканда амалга оширилаётган янги авлод таълим стратегиялари вилоятда ўқув тизимини ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш ва асосийси, инсон салоҳиятини юксалтиришга қаратилган. Университет нафақат муҳтақсислар тайёрлайди, балки улар орқали бугун жамиятда билим, фикрлаш маданияти ва фаол фуқаролик позициясини шакллантирмокда.

Соғлом инсон — кучли жамият пойдевори. Шу боис вилоятда тиббийёт соҳасига бўлган ёндашув сўнгги йилларда тубдан ўзгарди: энди шифохоналар фақат муолажа жойи эмас, балки инсон қадрини ҳимоя қилувчи муассасалар ҳамдир.

Соғлиқни сақлаш тизимида ҳаётга татбиқ этилган рақамли технологиялар тиббий хизматлар сифатини ошириш ва самарадорлиқни таъминлашга хизмат қилмокда. Соҳада жорий этилган “электрон рецетт” тизими шифокор ва бемор ўртасидаги муносабатни мутлақо янги поғонага олиб чиқди. Шифокорлар дори воситаларини электрон шаклда тайинлар экан, дориҳоналар билан интеграцияланган тизим орқали беморлар дориини онсонлик билан қабул қияпти. Бу нафақат ноқонуний савдонинг чеклади, балки инсон учун қулайлик ва шаффофлик муҳитини яратди.

Оилавий поликлиникаларда беморларни энг кўп қийнайдиган масала нима? Шифокор қабулини узундан-узуз навбатда кутиш. Бу ҳолат, айниқса, ёш болали аёллар, ҳомиладорлар ва оғир беморларга қийинчилик туғдириши бор гап. Муаммо ечимни эса битта — бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш.

Шундан келиб чиққан ҳолда бутун юртимизда бўлган каби Тошкент вилоятда ҳам тиббийёт соҳасини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, бирламчи бўғинда “Электрон поликлиника” ахборот тизимининг босқичма-босқич йўлга қўйилиши соҳа ҳодимлари ва беморлар учун айни мудда бўлди. Аввал бемор шифокор қабулида 40 дақиқа навбат кутган бўлса, эндиликда мутахассис кўригига онлайн ёзилиш орқали бу вақт 10 дақиқача қисқарди.

Бугун вилоят шифохоналарида ахборот тизимлари орқали беморларнинг тиббий маълумотлари электрон тарзда сақланмокда. Бу шифокорларга тўлиқ маълумот асосида тез ва аниқ қарор қабул қилиш имконини беради. Демак, тиббий муолажа эндиликда текширилган маълумот, режали ечим ва қутилган натижага асосланган.

Қисқача айтганда, соғлиқни сақлаш соҳаси Тошкент вилоятида янги поғонага кўтарилди. Бу рақамлардагина эмас, ҳаётда, инсонлар саломатлигида, шифо топаётган қалбларда акс этмокда. Зеро, мазкур жабҳадаги ислохотлар заминида “Соғлом инсон — бар-

Президентимиз таъкидлаган — “Хаммамиз бир куч, бир қудрат бўлиб халқимизга хизмат қилишимиз керак” лиги бугун давлат ва халқ ўртасидаги ҳақиқий ҳамжиҳатлик фалсафасига айланди. Бу ёндашув маҳалла институтининг жамият бошқарувида хал қилувчи бўғинга айлантирилишида ҳам яққол намоён бўлди. Бугун маҳаллалар фуқаролар ташаббуси, фикри, муаммоси ва ечимларини жиқшлаштирувчи асосий бўғин ҳисобланади.

Тошкент вилоятида маҳалла, томорқа ва ижтимоий объектларни ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ишлар халқ турмуши сифатини оширишга, ҳаёт тарзида ҳақиқий ўзгариш ясашга қаратилган. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган маҳаллабўй ишлаш тизими вилоятда инсон манфаатларини биринчи ўринга қўйиш тамойилини амалда тасдиқламокда. Жумладан, 1018 та маҳаллада 650,4 мингта хонадон тўлиқ хатловдан ўтказилиб, 97,3 фоизи “Онлайн маҳалла” электрон платформасига интеграция қилинди. Бу нафақат рақамлаштириш, балки ҳар бир оиланинг муаммоси, эътиёжини алоҳида ёндашув асосида хал этиш имконини яратди.

Маҳалла фаоллиги орқали ривожланаётган яна бир муҳим йўналиш — ижтимоий инфратузилмани тубдан янгилашдир. 2025 йилда вилоятда 14 та янги мактабгача таълим муассасаси қурилиши, 83 тасининг реконструкция қилиниши бу фақат бинолар янгилашниши англатмайди, балки болалар учун илмий ва маънавий муҳитни мукамаллаштириш, демакдир. Мактабларда виртуал лабораториялар ташкил этилиши эса таълим сифатида “жон” ато этмокда. Бу лойиҳалар ёш авлоднинг келажакда рақобатбардosh, технологик ва интеллектуал жиҳатдан кучли шахс бўлиб камол топишига хизмат қилади.

Фаровонлик муҳри

Тошкент вилоятида “Ташаббусли бюджет” лойиҳаларининг сифатли амалга оширилиши фуқаро билан давлат ўртасидаги ишонч кўприги, янги бошқарув маданиятини англатади. Эндиликда фуқаролар бу жараёнда фақат ижрони

Халқ сўзи
Народное слово
ТАНЛОВИГА

мақсадли йўналтирилиб, лойиҳаларнинг самарали ижроси таъминланмокда.

Бу жараёнларда Паркент тумани ҳамда Олмалик, Чирчик ва Бекобод шаҳарлари аҳолисининг фаоллигини эътироф этиш лозим, албатта.

Тошкент вилоятида “Ташаббусли бюджет” орқали амалга оширилаётган лойиҳалар аҳолининг кўндалик турмуш тарзида ўз аксини топмокда. Маҳаллий йўлларни тасмирлаш, мактаб ва боғчаларни обodonлаштириш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш каби ташаббуслар орқали одамлар ўз турмуш тарзини, ҳаёти сифатини ўзгартирмокда. Бу жараён фақат инфратузилмани эмас, балки одамларнинг давлатга, оиласига ва маҳалласига бўлган муносабатини янгиламокда.

Ташаббуслар эндиликда юқоридан эмас, балки ҳаётнинг ўзидан, янаям аниқроғи, халқнинг қалбидан бошланмокда. Ва улар фақат мурожаатда эмас, ҳал этилаётган, молиялаштирилаётган, натижа берувчи ҳаракатларга айланмокда. Тошкент вилояти бу тажриба орқали фуқаролар иштирокидаги бошқарувнинг ҳаётли моделини намоён этипти, бу нафақат демократик ислохот, балки халқнинг овозини ҳақиқий қудратга айлантириш жараёнидир.

Аҳоли учун қулай ва муносиб уй-жойлар қуриш бу инсон қадрини юксалтириш, оила фаровонлигини мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг ҳаётга бўлган ишончини оширишга қаратилган тўлақонли ислохот. Шу боис, бугунги кунда Тошкент вилоятида янги уй-жойлар фаровон ҳаётнинг муҳрига айланмокда.

Эртанги кун учун бугунги даъват

Бугун Ўзбекистон тараққиёти янги босқичга кўтарилар экан, жамиятнинг барча қатлами юксак масъулият ҳисси, ватанпарварлик туйғуси ва фаол фуқаролик позицияси билан миллий юксалиш сари дадил қадам ташламокда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар фақат институционал ўзгаришлар эмас, балки халқ онгидаги, ҳаётга бўлган муносабатдаги янгилашнишлардир. “Буюк келажакимизни ўз қўлимиз билан бунёд этамиз!” деган эзгу ғоя бугун ҳар бир соҳада, ҳар бир инсон фаолиятида амалий мазмун касб этмокда.

Юрт фидойилари — ўқитувчи, шифокор, муҳандис, тадбиркор ва ҳар бир меҳнаткаш ўз соҳаси орқали Ватан равнақига хисса қўшмокда. Улар ҳар куни жасорат билан қарорлар қабул қилмокда, булар — яхшироқ таълим бериш, сифатлироқ хизмат кўрсатиш, самарали ишлаб чиқариш, ҳалол меҳнат қилиш ва келажак учун масъулиятни ўз зиммасига олиш. Ҳақиқий тараққиёт шу вақтнинг ўзида амалга оширилаётган шинжоли қадамлардан бошланади. Бу қадамлар буюк келажак сари йўл очади. Ва бу йўлда энг катта куч бирлашган халқ иродаси, фидойи инсонлар ва юракдан қўшилган ҳаракатдир.

Бугун биз, Тошкент вилоятининг педагогик жамоаси, қалбимиз кўри ва юксак масъулият туйғуси билан юртдошларимизга, барча соҳа вакилларига, айниқса, ёш авлод тақдирини учун жавобгарликни елкасига кўтариб келаятган ҳар бир инсонга самимий мурожаат билан юзланамиз:

“Биз буюк келажакни орзу қилибгина эмас, уни яратишни зимманимизга олган авлодимиз. Бу йўлдаги энг катта бойлигимиз билимми, эзгу ниятми, Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган, ҳақиқий маънода “келажак эгалари” дея ишонч билдирилган ёш авлоддир. Улар бизнинг факримиз ҳам, масъулиятимиз ҳам. Шундай экан, уларни эл-юрт, давлат, жамиятни юксалтирадиган, халқ қадрини ҳис этадиган, Ватанга хизмат қилишни ҳаёт мақсади деб билувчи инсон сифатида тарбиялашимиз шарт.

Бугунги ислохотлар — фақат бугун учун эмас. Улар эртанги Ўзбекистон учун, унчинчи Уйғониш даври учун қўйилган дадил ва ишончли қадамдир. Бу ислохотлар дилида садоқат, қўзида юрт равнақига ишончи бор ёшлар томонидан давом эттирилиши керак. Улар бу жараёнинг фақат гувоҳи эмас, балки ғоявий ва амалий пойдеворини мустаҳкамловчи ворисларидир.

Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар — саноатдан тортиб қишлоқ ҳўжалигигача, таълимдан соғлиқни сақлашгача, туризмдан хизмат кўрсатиш соҳаларигача инсон имкониятини очишга, ёшлар қобилияти ва салоҳиятини юксалтиришга қаратилган. Демак, ҳар бир лойиҳа, ҳар бир ўзгариш — ёшларимизнинг орзу-умиди учун!

Шундай тарихий даврда ҳар бир мутахассис — ўқитувчи, муҳандис, шифокор, тадбиркор, фермер, хунарманд ва зиёлидан фақат билим ва маҳорат эмас, балки ўз касбига садоқат, халққа муҳаббат ва ёшларга ғамхўрлик қутулмокда. Чунки фарзандларимизни биз фақат дарслик билан эмас, балки руҳий камолот, маънавий баркамоллик ва юксак масъулият туйғуси билан тарбияласак, улар нафақат етук мутахассис, балки юртга хизмат қилувчи фидойи шахс бўлиб камол топади. Зеро, келажак — бугунги жасорат, фидойилик ва ҳамжиҳатликка яратилади!”

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАҒСИЛОТЛАР



ХОРИЖ БОЗОРИДА — КЎКДАЛА ТАРВУЗЛАРИ

Бугун мамлакатимизда экспортчи корхоналар, маҳсулот етиштирувчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Натижада ҳудудлардан жаҳон бозорларига йўл олаётган маҳсулотлар тури ва салмоғи йилдан-йилга ўсиб бораётир.

Биргина Қашқадарё вилояти мисолида олсак, ўтган йили воҳада жами 514,1 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотлар экспорти амалга оширилган. Бу 2023 йилга қиёсланганда 20,2 фоиз кўп, деганидир.

■ Барака

Экспортнинг асосий қисми ҳудуддаги йирик нефть-газ, кимё ҳамда тоғ-кон корхоналари ҳиссасига тўғри келиши сир эмас. Аммо сўнгги йилларда жаҳон бозорларида Қашқадарё заминида етиштирилган сархил мева-сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларининг салмоғи ортиб бораётгани ҳам айтиш ҳақиқат.

Буни рақамларда асослайдиган бўлсак, 2024 йилда воҳадан 65,4 млн. АҚШ долларлик полиз, мева-сабзавот экспорти



амалга оширилган. Экспорт қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибиде тарвуз асосий ўринни эгаллайди. Бу бежиз эмас, албатта. Сўнгги йилларда вилоятда эртаги тарвуз етиштириш анча оммалашди. Айниқса, ушбу полиз тури Кўкдала тумани деҳқонларининг бренд маҳсулотларидан бирига айланиб улгурди. Ўтган йили ҳудуддан 8,5 млн. АҚШ долларлик тарвуз хориж бозорларига чиқарилган бўлса, кўкдалалик деҳқонлар жорий йилнинг айти пайтига қадар 12 млн. долларлик тарвуз экспорт қилишни урдадашди. Мавсум давом этаётганини ҳисобга олсак, бу рақам янада орттиши аниқ.

Ҳудуддаги “Байрамали-Жасурбек” фермер хўжалиги аъзолари ҳам 2 гектар майдонга тарвузнинг “Долби — Ф1” номли эртапиш турини екишган эди. Ҳосил қутилганидан ҳам зиёда бўлди.

— Ерларимиз лалмикор, шу боис ер остидан сув олиб деҳқончилик қиламиз, — дейди фермер Шухрат Назаров. — Бу йил январь ойи бошидаёқ ишга киришиб, кичик иссиқхоналарда уруғларни ундиришни бошлагандик. Кейин уларни далага



брокколи карамнинг бозори чакқон.

— Бу маҳсулотни етиштиришда уч йиллик тажриба тўплаб улгурдик, — дейди Қамаш туманидаги “Хуришда Нурманова” фермер хўжалиги раҳбари Шерзод Маҳматуллоев. — Ўтган йили 30 гектар майдонга брокколи карам эккандик. Маҳсулотнинг асосий қисмини экспорт қилдик. Натижада 4-4,5 млрд. сўм атрофида даромад олишни урдададик.

Шу билан бирга, дук-какли экинлар, помидор, олма, анор, олча ва шу каби мева-сабзавот маҳсулотларининг ҳам вилоят экспортидаги улуши ортиб бормоқда. Бу ҳудуд иқтисодиётини юксалтириш билан бир қаторда, деҳқонлар боғбонлар учун катта имконият яратди. Натижада уларнинг етиштирган маҳсулотига талаб ошиб, даромад салмоғи ҳам ортиб бораверади.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

ФАЙЗУ БАРАКА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Камбағаллик дунёдаги барча давлатга хос ҳолат бўлиб, турли давр ва қайсидир жамиятда кўпроқ, бошқасида камроқ юзага чиқиши мумкин. 2020 йили давлатимиз раҳбари парламентга мурожаатида камбағалликни қисқартириш масаласини долзарб вазифа сифатида қўйиб, ўшанда уларнинг сони республикамиз бўйича 7 миллион атрофида эканлиги, бу мамлакат умумий аҳолисининг 23 фоизга яқинини ташкил этиши таъкидланганди.

■ Инсон қадри

Бундан ташқари, Президентимиз камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича ўтказилган йиғилишларнинг бирида “...Бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш, бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўляпти, деган савол ҳар куни қийнади...”, деганди.

Шу асосда мамлакатимизда ушбу ижтимоий-иқтисодий муаммо тан олинибгина қолмай, уни бартараф этишнинг аниқ чора-тадбирлари белгиланди. Ўтган йиллар давомида ижтимоий ҳимоя олувчи оилалар



лик лойиҳаларига паст фоизлик кредит ва субсидиялар берилди. Деҳқончилик учун ер майдонлари ажратилиб, даромад манбалари яратилди. Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган оилаларга корхона ва ташкилотлар бириктирилди.

Учқудуқ туманидаги “Йўлчилар” ОФЙда истикомат қилувчи Света Қалмуратова оиласи шулардан бири бўлиб, 26 йилдан буён оила даромадининг асосий қисми тўғич фарзанди Даурен Апиловни даволатишга йўналтирилади. У-жойини таъмирлаш нади турсин, қундалик эҳтиёжлари учун маиший техникалар харид қилиш ҳақида ҳам сўз бўлиши мумкин эмас.

Оилага “НҚМҚ” АЖ бириктирилди. Корхона томонидан оила истикомат қилаётган хонадон ка-



сонини 4,5 баробар оширилиб, 446 мингдан 2,2 миллионга етди. Маҳаллаларда камбағалликни қисқартириш, тадбиркор-

питал таъмирдан чиқарилди. 1 гуруҳ ногирони бўлган Даурен беташиши ҳаракатланиши учун уй ва ҳовлида барча шарт-шароит яратилди.

— Сўнгги пайтларда орзу-хавас ҳам қилмай қўйгандим, — дейди Света Қалмуратова. — Такдиримизда ёруғ қунлар бор экан, бу биргина менинг эмас, минглаб менга ўхшаш инсонларнинг бахти.

Камбағалликни қисқартиришда аҳолининг фаоллиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис маҳаллаларда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш мақсадида қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва кичик ишлаб чиқариш соҳасида жами 4632 та маҳаллабай лойиҳалар шакллантирилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Мисол учун, Навбахор туманининг Ёш қуч маҳалласининг камбағал оилалар тоифасидаги Робия Тилавова хонадонидан 14 жон истикомат қиларди. Имтиёзли кредит асосида хонадон томоққасида иссиқхона ташкил этилиб, оиланинг тўрт нафар аъзоси бандлиги таъминланди.

— Шу йили помидор, қўқат ва сабзавотни эрта баҳорда бозорга олиб чиқиб, даромадга эга бўлдик, — дейди Робия Тилавова. — Ҳадемай бананлар ҳосилга кириб, даромадимиз ошди. Албатта, кўнглимизда орзу истакларимиз ортиб бормоқда.

Ҳа, бугун жамиятимизда мана шундай фараҳбахш ўзгаришлар қамрови кенгайиб, уларда одамларнинг рўшноликдан мамнунлиги, самимий шукронаси ўз аксини топтоқда.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

ВАТАННИ ТАНИТИШ ГИД МАҲОРАТИГА БОҒЛИК

Қўҳна Бухоронинг бой тарихи ва қадимий обидалари ҳар қандай кишини мафтун этади. Аммо... Зийёли юртдошларимиздан бирининг эътиборини қадимий Арк қалъаси олдида хорижий сайёҳларга гид-ҳамроҳлик қилаётган йигитчанинг сўзлари ўзига тортди. У русийзабон меҳмоннинг “Бу қалъанинг ёши нечада?” деган саволига ҳеч иккиланмай “Қалъа XVII асрда барпо қилинган” дея жавоб берди...

■ Долзарб мавзу

Бу воқеанинг давомини кейинга сурайлик-да, юртимиз, жумладан, Бухорога сайёҳларнинг қизиқиши нечоғи ошиб бораётгани ҳақида қисқача тўхталсак. Ўтган йили вилоятга 1 млн. 745 минг 200 нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу — 2023 йилдаги нисбатан салкам 400 минг нафарга кўп. 74 та янги жойлаштириш воситаси, яъни меҳмонхона, хостел, оилавий меҳмон уйлари фаолияти йўлга қўйилди. Бу кўрсаткич 2023 йилдаги нисбатан 111,6 фоизга ошган. Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудларидан 4 млн. 10 минг киши Бухорога сайёҳ сифатида келди. Ваҳоланки, 2023 йилда маҳаллий туристлар сони 3 млн. 490 минг на-

га кўрсатилган хизматлар орқали туризм экспорти 436,3 млн. АҚШ долларига етказилди. Туризм ва унга ёндош соҳаларда 71 минг нафардан зиёд аҳоли бандлиги таъминланди. Эътиборлиси, жорий йилнинг январь — апрель ойлари оралиғида 3 917 та иш ўрни яратилди. Натижада бугунги кунда сайёҳлик ва унга ёндош тармоқларда ишлаётганлар сони 77 минг нафардан ошди. Улар қаторида гид-ҳамроҳлар ҳам бор, албатта.

Гап шундаки, сайёҳлар оқими кўпайган сайин гид-ҳамроҳларга ҳам эҳтиёж ошиши қузғалипти. Ўзбекистонга келаётган сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш, юртимиз ҳақидаги тасаввурларини бойитиш соҳа ходимларидан юксак билим ва малака талаб этади. Вилоятда эса бундай кадрларни тайёрлаш билан “Туризм соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Бухоро вилояти маркази” масъулияти чекланган жамияти ва “Marosim travel” МЧЖ қошидаги “Сафари мастер” маркази шуғулланмоқда. Чунончи, вилоят туризм бошқармаси маълумотларига қараганда, “Marosim travel” МЧЖнинг махсус ўқув дастурлари асосида 6 ойлик ўқув курсини тамомлаган 35 нафар гид-экскурсоводга 2025 йилнинг 21 февраль куни “Экскурсия хизматларини ташкил



фарни ташкил этганди. Бу рақамларни бежиз келтирмадик. Туризм ривожланган сари янги иш ўринлари юзага келмоқда. Соҳа иқтисодиётнинг муҳим бўлинига айланиб борапти. Дейлик, ўтган йилда вилоятда хорижий сайёҳлар-

етиш” дипломлари топширилди. Натижада вилоятда фаолият юритаётган гид-экскурсоводлар сони 385 нафарга етди.

— Бизда бўлғуси гид-ҳамроҳлар шартнома асосида 6 ой муддатга ўқитилади, — дейди “Туризм соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Бухоро вилояти маркази” МЧЖ раҳбари Собиржон Рўзиев. — Шундан сўнг уларга тегишли диплом берилади. Ёрлик эса Туризм қўмитаси қошидаги туризмин ривожлантириш институтидан уч йил муддатга олинади.

Сухбатдошимизнинг билдиришича, талабгорларга илгари олий маълумотли бўлиш шартли қўйилган. Ҳозир техникумларни тугатган кадрларни ҳам қайта тайёрлашга рухсат берилган.

— Гид-ҳамроҳ шунчаки таржимон эмас, у — етакчи, давом этади С. Рўзиев. — Бу касб эгаси бошқа миллат вакилларига халқимизнинг бой тарихи, маданияти, урф-одатларини таништиради. Шундан келиб чиқиб, билимли, саводли, маданиятли кишиларни қайта тайёрловга қабул қиламиз. Гид-ҳамроҳларга айрим тавсияларимиз ҳам бор. Улар иш фаолиятида фақат “Буёқ Ипак йўли” мавзуи билан чекланиб қолмасликлари керак. Иходий ёндашув, дейлик, қадимий обидалардаги қозилар мазмун-моҳиятини билиш асло зиён қилмайди. Гастрономик йўналишни билиш ҳам хорижий сайёҳларда катта қизиқиш уйғотади. Чунки турист ўзининг уйда йўқ нарсани кўрмоқ, қадимий обидаларимиздан баҳра олиш учун юртимизга келади. Агар гид-ҳамроҳ қанчалик билимли бўлса, маоши ҳам шунга яраша бўлиши шубҳасиз.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Гулчехра Ҳамидова катта тажрибага эга гид-экскурсовод саналади. Ўз вазифасига сийқидилдан ёндашиб ишлаётган, кўплай ёшларнинг устози саналган бу юртдошимизнинг ёш ҳамкасбларига йўл-йўриқ, маслаҳат, зарурат тугилганда дакки беришга маънавий ҳаққи бор.

— Гид-ҳамроҳ кадрларни қайта

Инфратузилма Самарқанд туманидаги Оҳалик маҳалласи тоғлар бағрида жойлашган. Уч мингга яқин аҳоли истикомат қилаётган маҳаллага интернет кириб келгани катта янгилик бўлди. Энди улар ҳам телефонларидан фойдаланиб, телевизор орқали жаҳонда рўй бераётган энг сўнгги янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлмоқда.

ОРЗУСИ УШАЛГАН ТОҒЛИКЛАР

— Уйдан чиқмасдан дунёнинг исталган мамлакатига кўнғирок қилиш имкониятига эга бўлдик, — дейди мактаб ўқитувчиси Замира Хидирова. — Бир пайтлар Ўзбекистон телерадиоканалларини кўриш орзуимиз бўлган бўлса, энди хориждаги яқинларимиз билан ҳам видеоқўриқ орқали суҳбатлашяпмиз.

Аҳамиятлиси, интернет ва замонавий алоқа воситалари ҳар бир фуқаро хонадонига кириб, юқори тезликда ишламоқда. Саккиз юз нафар истеъмолчи учун 2 та оптик толали алоқа нуқталари ўрнатилган. Улар ёрдамида сониясига 1,5 Гб. интернет алоқаси етказиб берилмоқда.

— Уйимиз туман марказидан олисда бўлгани учун интернет ўтказилишини сўраб мутасаддиларга мурожаат қилдик. Улар зудлик билан мурожаатимизни қаноатлантиришди, — дейди шу маҳаллада яшовчи Феруз Нурмаҳмедов. — Уйимизга сифатли интернет алоқа тармоғи кириб келганидан хурсандимиз.

Ушбу маҳалладаги 80 фоиз аҳоли “Mobius”, “Ucell”, “Uzmobile” каби мобиль алоқа операторларининг хизматларидан фойдаланиб келмоқда.

— Мазкур алоқа операторларининг антенна базалари қишлоқнинг энг баланд нуқтасига ўрнатилди, — дейди Самарқанд тумани телекоммуникация боғламаси муҳандиси Одилжон Мирзаев. — Ҳар бир компания ўзларига тегишли бўлган базаларнинг доимий ишлашини таъминламоқда. Тоғ ҳудудиде тўсатдан электр энергияси учиб қолса, алоқа ҳам тўхтайдди. Буни бартараф этиш учун қуёш батареялари, аккумулятор, генератор ва бошқа муқойиб манбалар ёрдамида алоқа қайта йўлга қўйилмоқда.

Туманининг бошқа жойларида ҳам телекоммуникация инфратузилмаси яхшиланиб, ҳозиргача 1,4 минг километр узунликда оптик толали алоқа линиялари тортилди. Кенг полсалари портлар сони 58,7 мингтага, истеъмолчилар сони 23,5 минг нафарга етди.

— Иш юритишдан тортиб, таълим, тиббиёт ва қундалик муло-



қотгача бўлган қўллаб соҳалар телекоммуникация инфратузилмасининг ривожига боғлиқ, — дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Дилмурод Ҳўжамбердиев. — Вилоятимизда аҳолини барқарор алоқа, юқори тезликдаги симли ва мобиль интернет билан таъминлаш бўйича кенг қўламини ишлар олиб боришмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг мақсади интернет телебини ошириш ва виллоятимизнинг 100 фоиз ҳудудини алоқа қамрови билан қамраб олишдир.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида оптик толали алоқа линиялари узунлиги 25,1 минг километрга, кенг полсалари портлар сони 763,3 мингтага етказилди. Айни пайтда абонентлар сони 296,3 мингтани ташкил этмоқда. Алоқа ўтказувчанлиги вилоят бўйича сониясига 600 Гб бўлса, туманларда 60 Гбни ташкил этмоқда. Виллоятнинг энг чекка ҳудудлари — Нурободдаги Саҳоба, Тугли, Ҳазармали, Оймақол, Қўшарбоддаги Қизилбулоқ, Дўлана, Сунбул, Ҳўжасой, Беғали ва Шағолсой каби қишлоқлар туман марказидан анча узоқда жойлашган. Мазкур тоғли қишлоқлар аҳолиси учун юқори тезликдаги телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилгани уларни бутун дунё билан боғлайди.

Абдулозис ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).



паз ёки хайдовчи бўлган кишиларнинг ҳам гид-ҳамроҳлик қилаётганини кўриб турибмиз. Гид-ҳамроҳ, аввало, бу — эл-юртнинг юзи. У она-юртини севадиган, билимли, дунёқараши кенг, ўз устида ишлаб, касбига масъулият билан ёндашадиган маданиятли киши бўлиши мақсадга мувофиқ. Буни алоҳида таъкидлашимнинг боиси бор. Хорижий сайёҳларга қўлида тамаки тутган ҳолда ҳамроҳлик қилаётганларни ҳам, агросаноатдан сўз очилганида, “қолхоз”, “совхоз” дея аллақачон ўлғида қолган турзилмаларни тилга олаётганларни ҳам, онда-сонда бўлса-да, учратяпмиз. Демокриманки, гид-экскурсоводлар ҳар томонлама саводли бўлса...

Қолаверса, юртимизнинг турли ҳудудларидан келиб туристларга ҳамроҳлик қилаётган гидлар бор. Уларнинг Бухоро тарихи, мадания-

ти, этнографияси, зиёрат одоби, маҳаллий урф-одатларга оид билими, тушуначиси қай даражада? Бошқа ҳудудлардан келаётган гидларнинг малакасини ошириш ҳақида ким ўйлайди? Назаримизда, бу масалага ҳам жиддий ёндашиш маъриди келди.

Дарҳақиқат, ҳамроҳлик қилаётган кишининг билими, муомаласи, диди, ўзини тутишга қараб хорижий сайёҳда юртимиз ҳақидаги даслабки тасаввур юзага келади. Ўзбекистон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент дейилганида, беихтиёр унинг кўз ўнгига аввало гид-ҳамроҳ гавадланади. Шукрки, шу масъулиятни ҳис этиб ишлаётган соҳа вакиллари кўп.

— Бизга Феруз исмли юртдошимиз гид-таржимонлик қилмоқда, — дейди қозғоғистонлик меҳмонлардан бири Энгелик Сержанова. — Жуда билимли экан. Бухоро тарихи билан боғлиқ воқеаларни тасвирчан сўзлар билан ҳикоя қилиб бормоқда. Менда у тарих, маданиятга даҳлдор ҳамма нарсани биладиган киши сифатида таассурот қолдирди.

Вилоят туризм бошқармаси маълумотиға қараганда, яқинда Ўзбекистон Республикаси гидлар уюшмасининг вилоят бўлинимаси ташкил этилди. Асосий мақсад — доимий мулоқот, тажриба алмашиш ҳамда тажрибали ва ёш гид-экскурсоводлар ўртасида “Устоз — шогирд” мулоқот майдончасини яратишдан иборат. Ўйлаймизки, бўлимма юқорисида тилга олинган масалалар билан жиддий шуғулланади.

...Мақоламиз бошида тилга олганимиз — хижолатомуз ҳолат ҳақида. Тарихдан яхши хабардор меҳнат факрийси дарҳол гид-ҳамроҳнинг хатосини тузатиб, Арк қўргонининг барпо этилган даври археологлар ҳулосасига кўра миллоддан аввалги IV асрга бароб тақалишини айтиди. Шунда гидлик қилаётган йигитча “Худди шундай. Арк жуда бой тарихга эга”, деганча вазиятдан чиқиб кетди. Лекин унинг бошқа бир тарихий обиде тўғрисида ҳам шундай хато маълумот тақдим этмаслигига ким қафолат беради?

Ҳа, бизга эндиликда эл-юртнинг юз-кўзи саналган гид-ҳамроҳ кадрларнинг сони эмас, сифатлиси, халқона тил билан айтганда, сози керак.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯРИМ АСР ДЕВОНИ



Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис Сенати аъзоси Сирожиддин Саййиднинг “Ярим аср девони” китобини шеърят ихлосмандлари жуда кўтаринки руҳда, бугунги ўзбек адабиётининг дурдона тухфаларидан бири сифатида кутиб олди.

Таниқли шоир, ярим асрдики, бадиият бўстониға илк қадам қўйган онларидан бошлаб инжа сўз санъати муҳиблари билан шеърят тилида сирлашиб, дардлашиб, диллашиб, гурунглашиб келади. Шу боис унинг ҳар бир шеърини ёд олишга интилувчи, ҳар нашр эттирган китобини ўзига ҳамдам, ҳамроз тутувчи дўстлари, мухлислари кўп.

Мутолаа

“Ярим аср девони” шоир ижод гулзорининг энг нафис, энг гўзал, энг сара чечакларидан иборат гулдастадир. Тўғри, китоб шаклан кўҳна Шарқда амалда бўлган девон тузишнинг қатъий мезонлари ва мукаммал қоидаларига мос келмаслиги мумкин. Аслида, тўпламни қўлга олган ўқувчи шоир мумтоз шеърятимиздаги каби араб алифбосига қатъий риоя этилган талаблар асосида девон тузишни мақсад қилмаганини дарров тушунади.

Ижодкор гарчи бетакорроғазлар, оҳорли рубоий ва фардлар битган ҳамда буюк салафлари ғазалларига теран ҳаёт фалсафаси ва гўзал бадииятни муқассамлаган муҳаммаслар болган бўлса ҳам, “Ярим аср девони” фақат аруздаги назм намуналаридангина иборат эмас. Девондан бармоқ вазида битилган лирик ва ўтли публицистик шеърлар, Ҳофиз Шерозий ва Адиб Собир Термизийдан Атойи ва Лутфийгача, буюк Алишер Навоий ва Захириддин Муҳаммад Бобурдан Зокиржон Фурқат, Аваз Утар ва Сидкий Хондайликйигача, Фафур Гулом ва Миртемирдан Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовгача, Лойиқ Шерали ва Андрей Вознесенский — сўз мулкнинг барҳаёт даргалари лирик асарларига тазмин ва та-таббулар ўрин олган. Шунингдек, унга таржималар ва достонлардан парчалар ҳам киритилган.

“Менинг шоирлигим” шеъри китобга дебеча қилиб танлангани бежиз эмас. Муаллиф ушбу асарида

шеърни, адабиётни қандай англашини, тақдири, кечмиши сўз санъатиға қай йўсинда болганганини, болалик хотираларини, адабиётдан нима кутиши ва истиқбол ҳақидаги ўйларини юксак пафосда тараннум этган.

Дарҳақиқат, манглайига ёзилмиш палларлардан, онаси айтган аллалардан тугилимиш шоирлиги Сирожиддин Саййидга бир умрлик ранжу риёзатга, “Ибодат ҳам адо бўлмас зиёрат”га айланди. Шоирлик илҳом парилари билан фақат ҳаёлот дунёсида яшашдан иборат эмас. Қўлга қалам олиш — гоҳ изтироб ҳосиласи, ён-атрофга уйғоқ назар билан боқиш, бедорлик, ўзгалар ғам-андухини ҳам ўз дарди деб билиш, қўюнчақлик, фидойилик мева-сидир. Шу сабаб шоир шеърда:

Менинг шоирлигим — дарду балодир,

Мени ўтдин олиб, ўтга солодир,

деб ёзади.

Муаллифнинг “Адо қилдим кўзида ёшларини, Оқартирдим онамнинг сочларини” деган иқдорномаси ҳам кичи қалбда маҳзун ва мунгли туйғулар уйғотадики, бу мисралардан ижод йўли, ўзини халқ учун бахш этиб яшаш қисмати осон эмаслигини, бунга ҳамма ҳам қодир бўлолмаслигини англаймиш.

Тўпламдан жой олган асарлар ёзилган йилларига кўра, шу билан бирга, маъно-мундарижасига монанд олти иқлимга — “Менинг энг мунаввар, гўзал тонглагим”, “Онажон, бу олам бунчалар

чексиз!”, “Яхшилик эскирмагай”, “Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш”, “Сен — мангу халқдирсан, ризқ-рўзи ҳалол”, “Миллат бахтин сўрар миллат отаси” каби бўлимларга тақсимланган.

Биринчи бўлимга 1974 йилдан 1983 йилгача битилган шеърлар киритилган бўлиб, уларда ёшликка хос қайноқ ҳиссиётлар, шижоат ва ҳаяжонлар, болалик хотиралари акс эттирилган.

“Онажон, бу олам бунчалар чексиз!” деб номланган бўлимдан 1984 йилдан 1991 йилгача ёзилган шеърлар жой олган. Уларни ўқиб, ёш шоирнинг борлиқ, мафтункор олам ҳақидаги англамлари, ҳаёт ҳақидаги тушунчалари қандай бўлганини ҳис қилиш мумкин.

“Яхшилик эскирмагай” деб номланган учинчи бўлимга киритилган шеърлар 1992-1993 йилларда ёзилган бўлиб, уларнинг аксарияти диний-маърифий мазмунда, панднасихат руҳида. Ушбу ашъорлар кишини ўзлигини англашга, фалсафий мушоҳадага, мулоҳаза юритишга, хулоса чиқаришга ундайди.

“Ватан десам кўзимда ёш, юзимда ёш” бўлимига киритилган асарлар ёзилганига кўра 1994 — 2003 йилларни қамраб олади. Уларнинг кўпчилигида ватанпарварлик туйғулари тараннуми, эл-юртга муҳаббат изхори устувор. Шунингдек, шеърлар мазмунидан мустақилликнинг илк йилларида жамиятда юз берган ўзгаришлар, қийинчиликлар, уларни енгиб ўтишга чорлов, соф

туйғуларга, эътиқодга хиёнат қилмасликка даъватни ўқиш мумкин.

Жумладан, шоир “Тижорат мулкида” шеърда ўзига мурожаат этар экан, “Тижорат мулкида шеърроғазал айтишга ҳолинг йўқ”, дея маламот қилади. Атрофга боқиб кўрадики, “Тамоми ёшу кекса машғули савдою сотикдир...”, “Сотарлар уйни, ҳовлини, улусни, ўзни сотгайлар...” Бу савдоларга ўзининг ма-лоли йўқ эканидан, қўлидан ҳеч нарса келмаслигидан ғашланади. Дарҳақиқат, юртимизда бозор иқтисодиётига ўтилган илк йилларда янги-ча тамойиллар жамиятда катта акс садо берган. Чайқовчилар, уда-дабуронлар қаддини урган, ўзини маърифатга, таълимга, адабиётга бағишлаган баъзи тоифалар эса бироз тахликага тушган, аросатда қолган. Шоир ҳам бу ҳолга тааж-жубга тушиб ёзганки:

Гузларлар, кўча-қўйлар
растаю дўкон эрур, сен ҳам
Ажиб дўкон очибдурсан,
кўнгилдан ўзга молинг йўқ.

“Сен — мангу халқдирсан, ризқ-рўзи ҳалол” номли бешинчи бўлимга киритилган шеърлар 2004 — 2013 йилларга мансуб. Турфа жанр ва мавзулардаги бу ашъорларнинг аксариятида халқимизнинг бетимсол табияти, урф-одатлари, аънаналари, қадриятлари қуйланади. Ўтмиши улуғланади. Улуғ аждодларимизнинг бебаҳо меросига мурожаат қилинади. Хусусан, буюк ижодкорлар ғазалларига муҳаммаслар ҳам шу бўлимдан жой олган.

“Миллат бахтин сўрар миллат отаси” деб номланган охириги бўлимдан 2014 йилдан 2024 йилгача ёзилган шеърлар ўрин олган. Уларнинг кўпчилигида янги тараққиёт сари юз тутатган жонажон Ватанимизнинг қўрқу жамоли, умум-миллий ва умумбашарий мақсадлар йўлида ранжу заҳмат чекаётган тан-

Энг муҳими, барча дилномалар — шоирнинг ҳаёти, орзу-ўйлари, лазиз туйғулари, шодлигу андухлари, армонлари чизилари — унинг ҳеч кимга ўхшамайдиган, бетакорр ижодкорлик шахси қирраларини, ички олами, маънавий дунёси нақадар бой эканини яхлит бир полотно сифатида кўз олдингизда намойён қилади.

Шу боис бири-бирдан ажойиб, ўзига хос услуб ва бадиий маҳорат ҳосили, ёрқин туйғулар ва рангин кечинмалар, теран фалсафий мушоҳадалар жамламаси бўлган шеърлар киритилган ушбу китобни мажозий маънода “Шоир қалби, руҳи ва тафаккури девони” десак, адашмаймиз.

Сирожиддин Саййиднинг эллик йилда кўтарган камтарона хирмони — ярим асрлик ижодий ҳисоботи адабиёт муҳибларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Дилшод КАРИМ,
мустақил изланувчи.

Ифтихор

ЭНДИ ҲАР КЎНГИЛДА ЗАФАР НАФАСИ

Футбол бўйича
Ўзбекистон миллий терма
жамоаси аъзолари номидан

Олтин бешик асли ҳар дилга Ватан,
Дунёга таралди муқаддас бу ном.
Ишончинг юракка жо қилиб ўлжам,
Зафар майдонидан йўллаймиз салом.

Биз ҳам,
Шу Ватаннинг ишончи, нури
Янги Ўзбекистон ўғлонларимиз.
Буюк мақомларга лойиқ аслимиз,
Учинчи Ренессанс тугёнларимиз!

Ўтди,
Юракларга чўккан зулматлар,
Қалбда аждодларнинг шиддаткор саси.
Келди,
Кўнгил кўндан талпинган пайтлар,
Энди ҳар кўнгилда зафар нафаси!

Толедан бахт тилаб қалб гўнчасига
Эзу умидларга бўлолдинг доя.
Шундан юракларда шижоат тоғи —
Ҳар битта юракда Темурий қоя!

Бугун кўнглимизга топилмиш қалов,
Ватан зафар ишқин қалбга солажас.
Миллионлаб дилларга кўчсин бу олов,
Марди майдон руҳи — бизнинг келажас!

Нузли қасрларнинг олтин зинаси,
Бизни элтажаскир мангу зиёга.
Ғолиблик ярашгай музаффар эла,
Достон қилажаским номинг дунёга.

Орзиқиб қутилган кунлар бор бўлсин,
Шамолга шахт берур бугун шаштимиз.
Элнинг ишончини оқладик, шукур,
Элнинг ифтихори бўлмоқ аҳдимиз!

Минҳожиддин МИРЗО.

Ёзги таътил — 2025

ОРОМҒОҲ ЯНА БОЛАЛАРНИ ЧОРЛАДИ



Шахрисабз туманида янгидан таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этган “Гулнора” болалар соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали тадбирда вилоят, туман ҳокимликлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси масъуллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Ҳисор тоғ тизмалари бағридаги сўлим ва баҳаво масканда жойлашган ушбу оромгоҳ ўта таъмирталаб аҳволга келиб қолгани боис бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган эди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан 2022 йилда оромгоҳни қайта таъмирлашга киришилди. Ўтган уч йил давомида бу масканда замонавий ётоқхоналар, ошхона, кутубхона, спорт майдончалари ва очик саҳналар барпо этилди. Ҳар сменада 200 нафардан, мавсум давомида эса 800 нафар ўғил-қизнинг мароқли ҳордиқ олиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Оромгоҳ яна болажонларни ўз бағрига олди.

«Халқ сўзи».

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА ТАНАФФУС ЙЎҚ

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган “Долзарб 90 кун” лойиҳаси ёзги таътил кунларида ҳам ўқувчиларнинг билим олиши ва жисмоний чиниқиши учун катта имкониятлар яратмоқда. Хусусан, Сирдарё вилоятида айни лойиҳа ижроси доирасида 42 та умумтаълим муассасаларида кундузги оромгоҳлар ташкил этилди. Кундузги оромгоҳларга 5200 дан зиёд ўқувчилар жалб қилиниши мўлжалланган. “Баркамол авлод” болалар мактабининг 168 та тармоқ тўғарақлари мунтазам ишлаши таъминланмоқда. Эътиборлиси, бутун ёз давомида вилоятнинг барча мактабларидаги спорт заллари, кутубхоналар, фаоллар зали, информатика хоналарининг эшиклари ўқувчилар учун очик бўлади.

— “Долзарб 90 кун” лойиҳаси дас-тури кенг қамровли, — дейди Сирдарё вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бўлими бошлиғи Хилола Назарбекова. — Шунга мос равишда уни амалга оширишга масъул бўлган ташкилот ва идоралар сони ҳам салмоқли. Яъни мазкур лойиҳада мактабгача ва мактаб таълими тизими билан бирга жами 15 та ташкилот ишти-роқ этмоқда. Айни ҳамкорлик туфай-ли ёзги таътил давомида болалар-нинг бўш вақтини мазмунли ва са-марали ўтказиш, турли қизиқарли экскурсиялар, тадбирлар, танловлар ҳамда касбга йўналтирувчи машғу-

лотлар ташкил этиш имконияти кен-гаймоқда. Айни пайтда бошқарма-из томонидан ўқувчиларнинг ёзги таътили давомида ҳунар ва касб ўрганишлари учун “Устоз — шоғирд” аъёнаси асосида касбий кўникма-лар марказларида қисқа муддатли курслар ташкил қилиш бўйича Кам-бағалликни қисқартириш ва банд-лик вазириликка тақлифлар билдир-дик. Ўқувчиларда касбий кўникмани шакллантириш ва уларнинг ҳунари-ли бўлишини таъминлаш “Долзарб 90 кун” лойиҳасидан кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳисобланади.

Ёз давомида ўқувчи ёшларда ва-танпарварлик, юртга муҳаббат туй-



ғуларини янада мустаҳкамлаш ва юртимиз ҳақидаги таассуротларини кенгайтириш мақсадида республи-камизнинг диққатга сазовор манзил-ларига саёҳатлар уюштирилмоқда. Барча мактабларда ташкил этилган “Заковат” интеллектуал ўйинларига 2 мингдан зиёд ўқувчилар жалб қилинди. Шунингдек, мактабларда-ги “Ёш стратеглар” шахмат тўғарақ-лари аъзолари ўртасида вилоят да-ражасигача мусобақа ташкил эти-лиши кутилмоқда.

Таълим-тарбияда танатффу-с бўлмади, — дейди Ширин шаҳри-даги 2-умумтаълим мактаби дирек-тори Райимжон Эгамбердиев. — Шу маънода, “Долзарб 90 кун” лойиҳа-си мазкур тамойилнинг мукамил ва юқори самарали амалий ифодаси бўлмоқда. Айни кунларда мактаби-миздаги 26 та синф ўқувчиларининг ҳар бири бирор фойдали машғулот билан банд. Тўғарақларимиз худди ўқув йилидагидек гавжум. Қувонар-лиси, айни фаоллик ўқувчиларимиз-да таълим олишга бўлган иштиёқ-нинг юқорилигини билдиради.

Вилоятнинг турли ҳудудларида “Долзарб 90 кун” мобайнида ўқу-чиларнинг шоирлар, ёзувчилар, ижодкорлар ҳамда чемпионлар бил-ан учрашувлари ташкил этилади. Шунингдек, китобхонлик, ижодий ишлар, “Заковат”, “Ихтирочиликка қадам” кўрик-танловлари уюшти-рилмоқда. Тадбирлар мундарижа-сида ўқитувчиларни эъзозлашдек хайрли ва ибратли тадбирлар ҳам борлиги эътиборга молик. Гап шун-даки, “Устозимга эҳтиром” шиори-остиди ўқувчиларнинг ўз устозлари-

га чуқур ҳурмат ва миннатдорлик туйғулари ифода этилган мактубла-рини ёзиш челленжи ўтказилади. Шунингдек, миллий урф-одатлар, кийиниш маданияти, миллий таом-лар тайёрлаш жараёнларидан ибор-рат миллий видеоконтент тайёрла-нади. “Долзарб 90 кун”нинг “Меҳри-ли юраклар” лойиҳаси асосида яна бир хайрли иш — уйда таълим олаётган ўқувчилар ҳолидан хабар олиб турилиши ҳам режалашти-рилган.

Айтиш лозимки, ўқувчиларнинг ёзги таътилини мазмунли ва сама-рали ўтказишда мактаб ва ота-она-лар ҳамкорлиги асосий омил бўлмоқда. Шу билан бирга, ота-она-лар “Долзарб 90 кун” лойиҳаси дои-расида амалга оширилаётган маъ-навий-маърифий, спорт-соғломлаш-тириш ва таълим-тарбия йўналиши-да олиб борилаётган ишлардан мамнунликларини билдирмоқда.

— Бу йил ўғлим Бунёдбек туман-нимиздаги 7-мактабда биринчи синфини тугатди, — дейди Гулистон туманидаги Юлдуз маҳалласида яшовчи уй бекиси Марҳаба Абду-халилова. — Ўқигиға қизиқиши бў-ланд, айниқса, математикага. Ях-шики, ёзги таътилда ҳам шу иш-тиёқи пасаймайдиган бўлди. Усто-зи Лобар Рўзимухаммедова олиб бораётган тўғараққа қатнамоқда. Тўғарақ машғулотларидан бўш вақт-ларида шахмат ўйнаш ҳамда ки-тоб ўқиш билан машғул. Албатта, болалик ўйинларига ҳам вақти етаяпти. Демокчиманки, у таътилда ҳам мазза қилиб дам оляпти, ҳам ўзи қизиққан фан бўйича таълим оляпти.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Ахсикент ёдгорлигида унинг 10 га яқин объектларини очик осмон ости музейига айлантириш ишлари олиб борилмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусxada босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Тахриратта келган кўлемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўтказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.57 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6